

# **ИСТИҚЛОЛГА БОШЛАГАН ДАРҒА**

**Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти  
Ислом КАРИМОВ сиймосига чизгилар**

Тошкент – 2017

УЎК 323(575.1)(092)

ББК 63.3(5Ў)-8

А 50

Беруний Алимов. **Истиқлолга бошлаган дарға.**

**Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов сиймосига чизгилар.** – Т.: “Extremum-Press”, 2017.– 88 б.

Мустақил давлат имижини яратиш, шакллантириш ва ривожлантиришда тарихий шахснинг ўрни, аҳамияти ҳақида сўз юритилар экан, албатта, унинг миллий ва хорижий ОАВ вакиллари билан учрашувлари, интервьюларини алоҳида ўрганиш, тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Қўлингиздаги ушбу илмий-оммабоп рисолада давлат раҳбарининг мамлакат медиа имижини шакллантиришда ғоятда муҳим ўрин эгаллаши Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов фаолияти мисолида ўрганилган.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига, жумладан ОАВ вакиллари, ахборот хизматлари ходимлари, журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабалар, тадқиқотчи-мутахассисларга мўлжалланган.

Рисола Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети Илмий кенгашининг 2017 йил 2 ноябрь (4-сонли) қарори билан тасдиқланиб, нашрга тавсия қилинган.

**Масъул муҳаррир:**

Филология фанлари доктори **Х. Дўстмухамедов**

**Тақризчилар:**

Филология фанлари номзоди **А. Матякубов;**

Филология фанлари номзоди **Г. Нишонова.**

ISBN: 978-9943-5125-0-4

© Беруний Алимов, 2017

© “Extremum-Press”, 2017

**“Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди<sup>1</sup>”.**

**Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 26 январь.



Шахснинг халқ ва ватан ҳаётидаги ўрни жуда узоқ замонлардан буён турли фан соҳалари нуктаи назаридан ўрганилади, хилма-хил қарашлар илгари сурилади, баҳс-мунозаралар қизғин тус олади.

Ушбу илмий оммабоп тадқиқот муаллифининг мақсади масалага бир улуғ мамлакат ва буюк халқнинг тарихида ўчмас из қолдирган СИЙМО ҳақидаги ўйларини баҳоли қудрат қоғозга тушириш, қоғозга тушириш орқали холис фикрли юртдошларимиз, қолаверса хорижий дўстлар эътиборига ҳавола этишдан иборат. Бу азиз мамлакат, бу давлатнинг номи – ЎЗБЕКИСТОН, бу халқнинг номи – ЎЗБЕК, бу давлат ва бу халққа дарғалик қисматини зиммасига олган сиймо – ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ!

Қарийб бир ярим аср мобайнида мустақил остида яшаган халқ Аллоҳ таолонинг буюк марҳамати-инояти ила ёш мустақил давлат мақомига эришса, ёш мустақил давлат дунё ҳамжамияти орасида ўз ўрни-ўз обрў-эътиборини топиш йўлини танласа, ислохотлар кетидан ислохотлар жараёни қизғин тус олса... бу ёруғ очунда ХХ аср поёнига етаётган, саволу жумбоқларга, фаразу тахминларга тўлиб-тошган ХХI аср кириб келаётган бўлса ва ана шундай таҳликали бир даврда мамлакатнинг бутун оғирини зиммасига олган ИНСОН ҳақида тўла-тўқис ва мукамал мулоҳазалар айтиш мумкинми? Яъни, бундай вазифани тўла адо этиш ваколатини оладиган мутахассис топиладими?

Йўқ, бунинг иложи йўқ. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг илк истиклол йиллари ҳақида озмунча ёздиларми, Ислому Каримов ҳаёти ва фаолиятига доир озмунча тадқиқотлар яратилдими?!

Шунга қарамай, ёзмоқ керак! Ислому Каримов ҳақидаги ҳар қандай хотира, ҳар қандай фикр-мулоҳаза Ўзбекистон ва ўзбек халқи мустақиллигининг дастлабки чорак асри ҳақидаги хотира, фикр-мулоҳаза бўлиб қолажак. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Мулоҳаза қилиб кўрайлик, ҳар қандай ёш мустақил давлат ўзининг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олар экан, ислохотлар стратегияси ишлаб чиқилади, белгиланган режаларни амалга оширишга киришилади, халқ мамлакатда замонавий демократик жамият барпо этишдек улкан мақсадлар билан яшай бошлайди. Бироқ кенг омма бир пайтда бошланаётган ижтимоий-

сийсий ва ҳоказо ўзгаришларга етарли даражада тайёр бўлмайди. Мустақилликнинг дастлабки ўтиш даври, босқичи яна кўплаб мураккабликларни келтириб чиқаради. Мана шундай ҳолатда жамият, давлат том маънодаги лидерга, етакчи кучга зарурият, эҳтиёж сезади. Бундай тарихий миссия одатда ёш давлатга раҳбарлик қилаётган шахс зиммасига тушишига дунё мамлакатлари тарихидан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Ўзбекистон мисолида тарих ва тақдир мазкур вазифани Президент Ислам Каримов шахсига раво кўрди. Бу – дастлабки бош омил.

Иккинчидан, мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки чорак асри мобайнида босиб ўтган йўли, бу йилларда ва йўлларда эришилган барча муваффақиятлар давлатимиз раҳбари номи билан боғлиқ.

Учинчидан, ўтган давр Юртбошимизнинг ҳақиқатда фавқулодда ўзига хос давлат раҳбари, ўзига хос хусусиятларга эга тарихий шахс сифатида кўрсатди.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқилса, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти кийёфаси, образи қуйидаги бир қатор жабҳаларда яққол кўзга ташланади:

- ички ислохотлар стратегияси ва уларнинг изчил амалга оширилганида;
- жамиятда демократик тамойилларнинг акс топа боришида;
- мамлакатнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашувида;
- давлатимиз раҳбарининг хорижий журналистларга берган интервью ва суҳбатларида;
- нутқларида;
- мақолалари ва асарларида;
- фавқулодда ҳолатлардаги хатти-ҳаракатларида;
- давлат арбоби ва шахс сифатидаги харизмасида;
- халқаро миқёсдаги фаоллигида, ташаббускорлигида ва ҳоказо.

Масалага бу қадар кенг миқёсда ёндошилиши бежиз эмас албатта. Зеро, ёш мустақил давлат шароитида давлат раҳбарининг обрў-эътибори (илмий-интеллектуал истилоҳда – имиж) давлатнинг, давлатнинг обрў-эътибори эса давлат раҳбарининг обрў-эътибори билан қўшилиб кетади, яъни, бу икки тушунчани

бир-биридан ажратиб бўлмайди. Давлат бошлиғи давлатнинг, халқнинг рамзи, тимсолига айланади.

Қадим-қадимдан ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган давлатлар, ушбу давлат халқлари тарихи, ҳаёти дунёнинг турли минтақаларида яшовчи олимлар, мутахассислар, сайёҳлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилган. Қадимги юнон, хитой, ҳинд, форс ва бошқа халқ вакиллари бўлмиш тарихчилардан мерос асарларда юртимиз ва юртдошларимиз, жумладан, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, шухрати сўнмас саркардаларимиз ҳақида фикр-мулоҳазалар, маълумотлар, мулоҳазалар ёзиб қолдирилган.

“Тарих отаси” ҳисобланган Геродотдан, Птолемей, Страбон, Плутархдан тортиб, то XIX–XX аср бошларида яшаган В.Бартольд, С.Толстов ёки И.Крачковский, Н.Веселовский, А.Якубовскийгача бўлган рус олимлари шулар жумласидандир. Биргина Амир Темурга оид ёзма манбаларни тўласича тасаввур қилишнинг ўзи амримаҳол.

Шуни алоҳида таъкидламоғимиз керакки, юқорида номлари зикр этилган муаллифлардан (бу рўйхатни истаганча кенгайтириш мумкин. – Б.А.) мерос ноёб манбалар давлатимиз ва халқимизнинг халқаро имижини нуқтаи назаридан мутлақо ўрганилмаган, таҳлил-тадқиқ қилинмаган. Керакли умумлашма хулосалар чиқарилмаган.

Конкрет мисол келтириладиган бўлса, қадим дунёда ва маълум бўлган барча ўрта аср сайёҳлари орасида энг номдори деб тан олинган Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асари юртимиз ва халқимизнинг жаҳон миқёсидаги имижини шакллантиришда алоҳида мавқега эга эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бироқ бундай тадқиқотга ҳозирга қадар ҳеч бир мутахассис қўл урган эмас. Худди шундай фикрни таниқли француз олими Люсьен Кэрэн қаламига мансуб “Амир Темур салтанати” деб номланган салмоқли илмий асарига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Хориж навоийшунослигига, бобуршунослигига доир манбалар имижелогия нуқтаи назаридан ўрганилса мавзуимизга доир қимматли умумлашма хулосалар чиқарилишига ҳам шак-шубҳа йўқ.

Замон эса шиддат билан ўзгариб бормоқда – давлат тушунчаси, халқ ва миллат тушунчаларининг мазмун-моҳияти

тубдан янгиланмоқда. Миллий манфаат тушунчаси ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ва ҳоказо воқеа-ҳодисаларга янгича кўз, янгича назар билан қарашни тақозо этмоқда. Мисол учун, шўролар даврида ҳам Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳаётига тааллуқли хорижий матбуот материаллари кам бўлмаган. Республикамиз мустақилликка эришгач эса аини шу йўналишдаги оммавий ахборот воситалари чиқишларининг сони, салмоғи, характери тубдан ўзгарди. Энди хорижлик муаллифлар ёш мустақил давлатимизда кечаётган ички жараёнлар – жамият ҳаётининг турфа қирралари, олиб борилаётган ислоҳотлар, ана шу ислоҳотлар бераётган амалий натижалар, ўзгаришлар ва янгиланишлар ҳақида ёза бошладилар. Нуктаи назарлар ва ёндашувларнинг муттасил янгилана бориши давлатимиз раҳбари – мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг кенг миқёсдаги жўшқин фаолиятига атрофлича муносабат билдиришда айниқса яққол кўзга ташланмоқда.

Истиқлолнинг дастлабки пайтларидан олис ва яқин мамлакатларда Ватанимиз ва халқимиз ҳаётига доир умумий маълумот берувчи ахборот тарзидаги чиқишлар кўпайди. Сиёсатчилар, давлат ва жамоат арбоблари, тарихчилар, ёзувчи ва журналистлар Ўзбекистонда жорий этила бошланган кенг ислоҳотлар жараёнини диққат билан кузатишга киришдилар. Ана шу кузатувлардан ҳосил бўлган хулосалар турфа шакл-шамойилда, турли босма ва электрон нашрларда тарқатила бошланди.

Айтиш керакки, мазкур мавзуга бағишланган чиқишлар йил сайин сон ва мазмун жиҳатидан кўпайиб борди. Тўғри, юртимиз ва халқимиз тўғрисидаги бу каби матбуот материалларидан кўзда тутилган мақсадлар турлича бўлиши мумкин. Бироқ улар, умумлаштириб айтганда, мустақил Ўзбекистон давлатини жаҳон афкор оммасига танитиш, шу орқали Ватанимиз обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, юртимиз ва халқимиз ҳаётига бўлган қизиқиш, диққат-эътиборни янада оширишга, бир сўз билан айтганда, хорижий диёрларда давлатимиз нуфузи – имижини яратиш, ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам Шўролар тизими парчалангандан кейин ХХ асрнинг охирида юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий

Ўзгаришлар натижасида дунёнинг геосийосий ҳолати тубдан ўзгарди. Жаҳон сахнида янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши уларнинг халқаро муносабатлар тизимида ўз ўрнини аниқлаш йўлига ўтганликларида намоён бўлди.

Шарқий Европадаги бир қатор давлатлар, МДХ мамлакатлари, Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, ҳар бир ёш мустақил давлат олдида турган биринчи навбатдаги долзарб вазифа – бу миллий давлатчилик тамойиллари асосларини яратишдан иборат эди.

Бундай асослар учта муҳим таркибий йўналиш:

- а) мамлакат ичидаги аҳволни яхшилаш,
- б) давлатнинг минтақа давлатлари ҳамда
- с) дунёдаги қудратли давлатлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш вазифаларини қамраб олади.

Таъкидламоқ жоизки, мазкур уч йўналишдаги вазифа юзаки қараганда бир-бирига дахли йўқдек кўринса-да, аслида улар ўзаро алоқадор, яъни, бир-бирининг узвий давоми ҳисобланади. Бошқача айтганда, “Жаҳон тажрибаси шундан дарак берадики, муайян бир давлатнинг ташқи сиёсати унинг миллий давлатчилик борасидаги устувор манфаатларига таянади”<sup>2</sup>. Бу фикрни тасдиқлаган америкалик сиёсатшунос Г.Моргентау “ташқи сиёсат борасидаги мақсадлар миллий манфаатлар негизида шаклланиши”<sup>3</sup>ни эътироф этган.

Дарҳақиқат, бир мамлакат ҳудудидаги ички барқарорлик шу мамлакатнинг ташқи барқарорлигини таъминлашга асос яратади ёхуд ташқи муносабатларда муваффақиятларга эришиш, аввало, ички ютуқларни тақозо этади.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан тараққиётнинг энг тўғри йўлини танлади ва давлатимиз раҳбари И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепция асосида ислохотлар жараёнига киришди. Фахр билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз мустақиллик эълон қилинган илк дақиқаларданок халқаро жамотчиликнинг эътиборига, диққат марказига кўчди. Бу

---

<sup>2</sup> Шаропова С. Миллий манфаатлар кўзгуси. Тафаккур ж.. 2002, 2-сон. Б.26

<sup>3</sup> Қаранг: Ўша манба, ўша саҳифа.



хол, табиийки, халқаро медиа маконда ўз аксини, ифодасини топди.

Халқаро медиа маконда кўплаб ёш мустақил давлатлар, жумладан, Ўзбекистон мавзусининг вужудга кела бошлагани ўзига хос тарихий жараён эди.

Маълумки, замонавий халқаро муносабатлар янги мустақил давлатларнинг эътироф этилиши, тан олинishi билан бошланади. Ана шу эътироф, тан олинishi эса мамлакат ташқи нуфузи, салоҳиятининг муқаддимаси, биринчи нуқтаси ҳисобланади.

1992 йил 2 март куни мамлакатимиз дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилоти – БМТга расман аъзоликка қабул этилди. Шу кундан эътиборан миллий байроғимиз ташкилотнинг Нью Йоркдаги бош қароргоҳи майдонида ҳилпирай бошлади.

Алоҳида таъкидламоқ зарурки, Ўзбекистон учун ташқи дунё Марказий Осиёдан – минтақадаги кўшни давлатлардан бошланади. Минтақа давлатлари ва халқлари азал-азалдан яхши кўшничилик муносабатларини ўрнатганлари тарихдан маълум. Лекин алоҳида давлат сифатида мустақилликка эришилгач, ўша тарихий муносабатлар мутлақо ўзгача кийёфага, мазмун-моҳиятга эга бўла борди. Тарих ва замон шарт-шароити ўзаро кўшничилик муносабатларини энг замонавий талаблар асосида қайта қуриш лозимлигини кўрсатди. Мазкур эҳтиёж ва талабларни амалга оширишнинг қонуний асосларини ишлаб чиқишга киришилди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни<sup>4</sup>га мувофиқ Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси бўлиб, мамлакатнинг муҳим манфаатлари ушбу минтақа билан бевосита боғлиқлиги алоҳида белгилаб қўйилди.

МДХ республикалари мустақилликка эришган дастлабки йилларда ҳар бир ёш мустақил давлат ўз йўлини топишга киришди.

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-330-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни. Lex.uz

Мустақилликнинг дастлабки йилларида “пишиб” етилган вазият Марказий Осиё минтақаси республикалари олдига ҳамкорликсиз ҳал қилиб бўлмайдиган кўплаб масала-муаммоларни кўндаланг қўйди. Ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш, жамиятни эркинлаштиришга доир ислохотларни жадаллаштириш, жаҳон ҳамжамятига интеграциялашиш, янгиланаётган жамиятда гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона майдонга чиқа бошлаган радикал кучларга қарши курашиш, иқтисодий, демографик, экологик ва ҳоказо кечиктириб бўлмайдиган долзарб муаммоларни бартараф этиш бир мамлакат доирасида ҳал бўлмаслиги муқаррар эди. Бу каби муаммоларнинг ечимини топиш борасида кўрсатилаётган саъй-ҳаракатлар ўз йўлига, аммо-лекин мазкур саъй-ҳаракатларнинг ҳар бири у ёки бу давлатнинг халқаро нуфузига, шаклланаётган имижига таъсир кўрсатмай қолмасди албатта.

Ҳақиқатан ҳам табиий бойликлари ва стратегик шарт-шароити туфайли Марказий Осиё замонавий глобал ва минтақавий кучларнинг диққат марказига айланди. Сирасини айтганда, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, шунингдек Россия, Хитой сингари дунёнинг энг қудратли давлатларидан тортиб, олис-яқин Туркия, Япония, Ҳиндистон, Покистонгача, ҳатто Эрон, Саудия Арабистони ва Афғонистон ҳам ўз миллий манфаатларини Марказий Осиё республикалари билан боғлайдилар. Бу – Марказий Осиё республикаларига муносабат демакдир. Минтақамиз республикалари юмшоқ қилиб айтганда, “эътиборлар исканжаси”да қолди.

Ҳар бир республика доирасида қабул қилинган, амалиётга жорий этилган саъй-ҳаракатлар ўша ташқи муносабатлар, ўша “эътиборлар”га тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади деганидир. Кундалик ҳаёт, ижтимоий-сиёсий иқлим халқаро муносабатлар ва ҳамкорликларга деярли ҳар куни турли ўзгартиришларини киритиб туришидан келиб чиқилса “хорижий давлатларнинг муносабатлари” деган тушунча моҳиятидаги мураккаблик, серқирраллик яққол кўзга ташланади. Ваҳоланки, муносабатларнинг илиқ-совуқлиги манфаатларнинг кўп-озлигидан бошланади, мазкур омил у ёки бу давлат халқаро имижининг

шаклланишига, ривожланишига, кези келганда эса, эътибордан четда қолдирилишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Янги Минг йилликнинг аввалига келиб халқаро муносабатлар дунёсида кузатилаётган “одат” ва “расм-русум”лар шу қадар ўзига хос тус олмакда эдики, айрим қудратли давлатлар ёш мустақил давлатлар билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида халқаро сиёсий одоб меъёрларини ҳам бир чеккага суриб қўйдилар.

Қуйидаги халқаро шарҳни ўқиймиз: “Билл Клинтон президентлиги даврида МДХ мамлакатлари бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлаган Струоб Тэлботт ўз мамлакатининг Кавказ ва Марказий Осиёдаги стратегик мақсадлари ҳақида тўхталиб: “Аниқланган нефть захираларининг миқдори 27 млрд. тоннадан ортиқ бўлган (қарийб трлн. доллар) бу минтақани ўз таъсир доирасига олиш Америка маъмуриятининг биринчи галдаги вазифасидир”, – деган эди. Дунёдаги етакчи давлатнинг бу минтақага қизиқиши бежиз эмас, албатта”<sup>5</sup>.

Хўш, бу каби муносабат, давлатимизга бундай ёндашув нимани англатади? Ундан қандай хулоса чиқаришимиз мумкин?

Биринчидан, қайси давлат эканлигидан қатъи назар, ҳар қандай муносабат замирида манфаат ётади. Иккинчидан, айрим қудратли ва тараққий этган давлатларда ёш мустақил давлатга нисбатан беписандлик кайфияти яққол кўзга ташланади. Гўё ёш мустақил давлат билан бўладиган мулоқотларда масала бир томонлама ҳал бўладигандек позиция эгалланади.

Ёш мустақил давлатларнинг халқаро имижини ҳосил қилиш, шакллантириш ва кенг оммалаштириш, афсуски, айнан шундай ҳолатларда жуда-жуда асқотади. Зеро, ҳар қандай давлат ва давлат раҳбарининг шаклланган имижини ана шу давлат ва халққа нисбатан ўзаро ҳурмат доирасидаги муносабатда, муомалада билинади.

Давлатимиз эндигина мустақиллик сари одим ташлаган дастлабки кезларда халқаро доираларда Марказий Осиё Республикаларини ота-онадан ажралган етимга чиқариб қўйиш ҳоллари ҳам кузатилди. Гўё Собик Иттифоқ қулагач бу минтақадаги ёш

---

<sup>5</sup> Қувватов О. Глобаллашув оқибатлари. “XXI аср” газетаси. 2008, 22 март.

давлатлар кимнинг ёки қайси давлатнинг этагидан тутишни билмай қолганмиш.

Ўша даврдаги машхур “Комсомольская правда” газетасининг Кохирадаги мухбири А.Шумилин бу масалани диний эътиқод аспектидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилади. Шарҳловчи янги мустақилликка эришган Марказий Осиё Республикалари “катта оға”сиз яшай олмайдилар, бинобарин, улар шак-шубҳасиз Туркия ва Эронни ўзлари учун “катта оға” сифатида эътироф этадилар деган хулосага келади. Марказий Осиё Республикалари қаторига у Озарбайжонни, Афғонистонни ҳам қўшиб юборади. Бундай башорат қилиш учун муаллиф бирдан-бир асос – санаб ўтилган ёш мустақил давлатлар аҳолисининг асосий қисми мусулмонлар эканлигидан келиб чиқади<sup>6</sup>.

Аввало, шуни айтиш керакки, бунга ўхшаш қарашлар нечоғли асоссиз эканлигини вақт кўрсатди, қолаверса, минтақамиздаги қўшни республикалар, хусусан, мақолада алоҳида тилга олинган Ўзбекистон ва Қозоғистон замонавий тараққиётнинг энг илғор йўли – демократик очиқ жамият барпо этиш йўлини танлаганликлари, айниқса шўролар давридан мерос ҳеч қандай “катта оға”га муҳтож эмасликларини амалда исбот қилдилар.

Давлатимиз ва халқимизни халқаро миқёсларда обрўсизлантиришга қаратилган бу каби кайфият ва уринишларга барҳам бериш ички ва ташқи ахборот майдонида фаолият юритаётган мутахассисларимиз, журналистларимиз ва ҳоказо муаллифлар зиммасидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверди. Ўзбекистон эса ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда исталган хорижий ва яқин қўшни мамлакат билан ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга доим тайёр бўлган давлат эканлигини намоён этди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номи

---

<sup>6</sup> Қаранг: Шумилин А. Исламский передел. Газета «Комсомольская правда». 14 января 1992.

асарида оммавий ахборот воситалари курашмоғи лозим бўлган ахборий таҳдидларнинг моҳияти замирида қуйидаги салбий мақсадлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади:

*“Биринчидан* – халқаро, давлатлараро ва элатлараро карама-қаршилиқни келтириб чиқариш;

*Иккинчидан* – халқаро-ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилиқ кўрсатиш;

*Учинчидан* – Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш;

*Тўртинчидан* – мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали мафқуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасига Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш;

*Бешинчидан* – миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизлиқни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш;

*Олтинчидан* – янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлиқни секинлаштириш хавфи ва ҳоказолардан иборат”<sup>7</sup>.

Санаб ўтилган таҳдидларнинг ҳар бири ОАВ ходимлари, журналистлар ва айниқса, халқаро шарҳловчилар учун дастуриламал бўлгани ҳолда, тилга олинган тўртинчи таҳдид ҳақида алоҳида тўхталиш керак бўлади. Бу ўринда давлатимиз раҳбари ғоятда муҳим ва бир-биридан ажратиб бўлмас икки таҳдидга урғу бермоқда.

Мустақиллиқнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали мафқуравий йўл билан тазйиқ ўтказишга бўлган уринишлар бошланиб кетди. Бундай уринишларнинг мантиқий давоми сифатида қандай бўлмасин, жаҳон афкор оммаси дунёқарашида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввурларни туғдириш, шакллантиришга интилишни ўзлари

---

<sup>7</sup> Каримов И.А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.

учун мақсад-вазифа қилиб олган унсурлар, оқимлар ва марказлар пайдо бўлди.

Аммо шу билан бирга чет эл оммавий ахборот воситаларида республикамызда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг ноҳолис ёритилиши муаммоси ҳанузгача долзарблигини йўқотмаяпти.

Бундай вазият миллий журналистикамыз вакилларини, мутахассисларни кўп йиллардан буён ўйлантириб келмоқда. Шундай экан унга нисбатан миллий матбуотда муносабат билдирилиши бежизга эмас. Мисол учун, “Ўзбекистон овози” газетасининг қайд этишича, “минтақамызга хавф солаётган халқаро террорчилик, диний айирмачилик, нарқобизнес жаҳон миқёсидаги муаммолар сирасига киради. Лекин хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида бу мавзуга кўпроқ шов-шув кўтариш, одамлар кўнглига ғулғула солиш мақсадида керагидан ортиқ эътибор берилиб, ҳақиқатдан йироқ хабарлар пайдо бўляпти<sup>8</sup>”.

Биринчи Президент И.Каримов ушбу муаммо ҳақида тўхталар экан, жумладан, шундай дейди: “Авалло, бундай хатти-ҳаракатлар замирида ўз ҳаёти ва келажагини ўз қўли билан барпо этаётган давлатлар, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан муайян сиёсий марказлар томонидан турли хил фалсафий, мафқуравий, информацион воситалардан усталик билан фойдаланган ҳолда таъсир ўтказиш, ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ўғил-қизларимизни танлаган йўлидан оғдириш, уларнинг қалбига биз учун мутлақо бегона ва зарарли бўлган қарашларни сингдириш, маънавий илдиз ва томирларимиздан жудо қилишдек ғаразли интилишлар яширингани бугун тобора аён бўлмоқда<sup>9</sup>”.

Ислон Каримов ўта мураккаб бир пайтда – 1989 йил 23 июнида республикамыз раҳбари бўлди, дея қайд этилади “Нақшбандия” журналида эълон қилинган мақолада. “Ана шу қалтис даврнинг ўзи Ўзбекистон раҳбаридан республика ҳаётини,

---

<sup>8</sup> Асоссиз шов-шувлардан ким манфаатдор? // Ўзбекистон овози. 2000 йил, 30 ноябрь.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 6 б.

унинг йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммо ва ташвишларини, Иттифокдаги ўрни ва мавқеини, халқнинг дардини теран таҳлил қилиб, тезроқ тўғри ечимлар топишни тақозо этар эди<sup>10</sup>”. Ушбу мақола Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”<sup>11</sup> номли китобига киритилган маърузалар таҳлилига бағишланган бўлиб, муаллифнинг қайд этишича, “тўпламдан ўрин олган ҳар бир чиқишда бўртиб кўринадиган икки муҳим фазилат бор: биринчиси – сиёсий арбобнинг таҳлил салоҳияти, иккинчиси – унинг нотиклик маҳорати<sup>12</sup>”.

Президент И.Каримов ўз халқи тақдирига чин юракдан қайғурувчи, ўзбек халқини дунёнинг энг илғор халқлари қаторида кўришни истаб, шунга қатъий ишонган, озод ва обод Ватан куриш учун бутун вужуди, ғайрати ва шижоати билан меҳнат қилаётган донишманд давлат раҳбари эди.

Унинг бу борадаги назарий фикрлари, мулоҳаза ва мушоҳадалари ҳамда теран қарашлари мустақиллик йилларида турли тилларда чоп этилган асарларда ҳам ўз аксини топди. Мазкур китоблар жаҳон жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Хорижлик ҳамда ўзбекистонлик олимлар бу мавзуда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Кўплаб мамлакатларда ўтказилган китоб тақдимотларида таниқли миллий ҳамда халқаро экспертлар, сиёсий, илмий ва ишбилармон доиралар вакиллари Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти илгари сурган гоёларга, унинг шахсига жуда катта баҳо бердилар.

“Дарҳақиқат, – деб ёзади сиёсий фанлар доктори, профессор Н.Жўраев, – Ислом Каримов – тарихий ва ижтимоий ходиса. У мутлақо янги даврнинг янги услубдаги одами. У янги тарихий шароитларда вужудга келган, бутунлай янгича ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланган, ана шу жараёнларни ўз сафдошлари ва замондошларидан мутлақо фарқли ҳолда фавқуллодда зукколик, зийраклик ва донишмандлик билан идрок эта

---

<sup>10</sup> Истиклол қўрғонининг меъмори. / Нақшбандия. 2012. 1 (8). – 2 б.

<sup>11</sup> Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон. 2011. – 440 б.

<sup>12</sup> Истиклол қўрғонининг меъмори. / Нақшбандия. 2012. 1 (8). – 2 б.

биладиган, уларни журъат ва жасурлик билан ҳал эта оладиган сиёсатчи. У ҳар қандай ислохотларни бутун моҳияти билан англай биладиган, вужудга келаётган воқеа ва ҳодисаларни бутунлай янги йўналишга моҳирлик билан буришга қодир бўлган иқтидорли давлат раҳбари, йирик ва кенг қамровли сиёсатчи”<sup>13</sup>.

Олмониялик олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Леонид Левитин давлатимизнинг Биринчи раҳбарига янада юксак баҳо берган. У шундай ёзади: “Мен Президент Ислом Каримов фаолиятининг кўпгина энг муҳим йўналишлари бўйича унинг тарафдори бўлган эдим, ҳозир ҳам унинг тарафдориман. АҚШда Рузвельт, Англияда Черчилль, Францияда де Голль тарихнинг маълум даврларида қандай муҳим ўрин тутган бўлса, Ислом Каримов ҳам истибоддан қутилган Ўзбекистон учун ана шундай буюк шахс бўлиб қолади, деб ҳисоблаганман ва шундай деб ҳисоблайман”<sup>14</sup>.

Хорижлик йирик мутахассис ва таниқли ўзбек олими томонидан ҳолисона билдирилган бундай мулоҳазалар бевосита давлатимизнинг Биринчи раҳбарига, билвосита эса халқимизга берилган муносиб баҳо сифатида қабул қилинар экан, у халқимиз ва давлатимизнинг халқаро медиамакондаги нуфузи – имижини бекиёс даражада ошириши шубҳасиз.

Л.Левитиннинг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида: Президент И.Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари” китоби<sup>15</sup> ҳар томонлама ўрганишга, таъбир жоиз бўлса, алоҳида илмий изланишларда чуқур тадқиқ қилишга арзийди. Чунки бу китоб муаллифи мамлакатимизда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларни четдан туриб, ҳолис баҳолайди.

Мазкур китоб 7 та хорижий тилда нашр этилган бўлиб, у дунёнинг етакчи экспертлари томонидан объектив ва ҳолис ёндашув асосида ёзилган асар сифатида эътироф этилган. Унда И.Каримов шахси ва сиёсий фаолияти, Ўзбекистоннинг жаҳон

---

<sup>13</sup> Жўраев Н. Юксалиш. Т.: Ўзбекистон. – 1995.- 11-12 бетлар.

<sup>14</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т.: Ўзбекистон, 2001. – 368 б; –19 б.

<sup>15</sup> Шу манба.



сиёсати майдонидаги ўрни, Амир Темур ва Темурийлар сулоласининг дунё геосиёсатида ўйнаган муҳим тарихий роли, Ш.Рашидовнинг хронологик фаолияти ва бугун жаҳонда юз бераётган сиёсий тенденциялар ва асосий фигуралар, Тожикистон Президенти И.Раҳмоннинг сиёсий портрети ҳамда унинг геосиёсий даъволари, Ўрта Осиё жугрофиясининг тарихий асослари, шунингдек, Ўзбекистон муҳолифларининг асл мақсадлари ва келгусидаги таҳдидлари билан боғлиқ фикрлар келтирилган. Булардан ташқари, Ўзбекистоннинг янги сиёсий бошқарув тизими, “Ўзбек модели”, таълим соҳасидаги ислохотлар, сиёсий партиялар фаолияти ва сайлов жараёнлари, оммавий ахборот воситаларининг 2001 йилгача бўлган фаолиятлари батафсил ҳужжатлар асосида таҳлил қилиб берилган.

Буюк Британия ҳукуматининг оммавий дипломатия масалалари бўйича маслаҳатчиси, мамлакат брендинги соҳасида дунёга машҳур мутахассис Саймон Анхольт давлат раҳбарининг умумий мамлакат қиёфасидаги ўрнини қуйидагича таърифлайди: “Раҳбарнинг қанчалик кўзга кўринганлиги эмас, унинг қанчалик оддий бўла билиши муҳим. Бугун кучли, харизмали раҳбар керак, масалан, бугун Европада катта шухратга эга бўлган Маргарет Тэтчер каби”<sup>16</sup>. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Маргарет Тэтчер Буюк Британия тарихида нечоғли унутилмас роль ўйнаган бўлса, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни англиялик “темир хоним”ниқидан заррача кам эмас.

Кези келганда таъкидлашни истар эдикки, Биринчи Президентимизнинг чорак асрлик фаолияти давлат раҳбарининг имижи аспектида махсус ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ қилиш учун бой манба ва объект бўла олади. Хусусан:

– Биринчи Президент томонидан ишлаб чиқилган ички ислохотлар концепцияси ва уларнинг қатъий режа асосида изчил амалга оширилганида;

– тараққиётнинг миллий модели жамиятда демократик тамойилларнинг қарор топа борганида;

---

<sup>16</sup> Данаева З. Имидж страны. Страновой брендинг. // – электронное издание//www.zakon.kz

- мамлакатнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашувида;
- халқаро миқёслардаги ташаббускорлигида;
- фавқулудда ҳолатларда шахсий шижоат намойиш этиши ва оқилона ечимлар топа билганида;
- шахс сифатидаги харизмасида;
- интервью, суҳбат ва нутқларидаги ўзига хосликларда ва ҳ.к.

Табиий, санаб ўтилган хусусиятларни тўласича таҳлилга тортишга даъво қилолмаймиз. Чунки, биринчидан, И.Каримовдек давлат раҳбари ва тарихий шахс шахсиятини мукамал ёритиш салмоқли ва махсус тадқиқотлар яратилишини тақозо этади, иккинчидан эса, Биринчи Президентимиз фаолиятига тааллуқли санокли мисолларнинг ўзиёқ И.Каримовнинг миллий ва халқаро миқёсдаги имижини бирмунча тўла-тўқис гавдалантириб бера олади.

1998 йилнинг кеч кузида Россия президенти Б.Ельцин Тошкентга ташриф буюради. Тантанали қабул маросими чоғида мартабали меҳмоннинг тоби қочганлиги сезилади. “Уни (Ельцинни – Б.А.) шармандаларча йиқилиб тушишдан Президент И.Каримовнинг хушёр ва меҳрибон қўллари сақлаб қолди. Мазкур лавҳа барча хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилди”<sup>17</sup>. Б.Ельцин Кремлнинг муҳташам залидаги учрашув чоғида нуфузли меҳмон – Жанубий Африка Республикаси президенти Т.Мбеки билан юзма-юз ўтириб, уни БМТ ташкилоти Бош қотиби К.Аннан деб ўйлайди ва кун тартибида белгиланган мавзудан мутлақо четлашиб кетади<sup>18</sup>. Россиянинг амалдаги давлат раҳбари В.Путиннинг ҳатто ўта жиддий расмий тадбирларга ҳам кечикиб келиш одати сиёсатшунослар ва журналистлар орасида турлича талқин этилади.

Бунга ўхшаш ҳолатлар камдан-кам ҳолларда рўй беради, бир неча лаҳзада бўлиб ўтади, лекин оммавий ахборот воситалари уни истаганча чўзадилар, оммалаштирадилар, тасодифдан муайян

---

<sup>17</sup> Тоқаев К. Свет и тень.– Астана, 2007. - С.183

<sup>18</sup> Ўша манба. 191- б.

давлат раҳбарини обрўсизлантиришга олиб келадиган оламшумул маъно-мазмун топишга ҳаракат қиладилар.

Сингапур Республикасининг асосчиси Ли Куан Юнинг миттигина давлатни учинчи дунёдан биринчилар қаторига олиб чиққани тарихи ҳикоя қилинган китобнинг халқаро миқёсларда оммалашиб кетишида ҳам журналистларнинг ҳиссаси катта. Ли Куан Юнинг давлат тепасига келгач ўз ҳисобидан таътил олиб, Гарвард университетига боргани, у ерда ярим йил мобайнида бозор иқтисодиётидан таълим олгани, мамлакатни фаровонлаштиришда, биринчи навбатда, янгича таълим тизимини йўлга қўйгани ва коррупцияга қажатғич зарба бергани ҳал қилувчи аҳамият касб этгани ҳам президент, ҳам давлат, ҳам Сингапур халқининг халқаро имижини ўзида мужассам этган.<sup>19</sup> Ёки бўлмаса, Жанубий Африка Республикаси Президенти, халқаро Нобель мукофоти совриндори Нельсон Мандела мамлакатга бор-йўғи беш йил етакчилик қилганига қарамай, у “миллат отаси” сифатида ҳам маҳаллий, ҳам халқаро доираларда эътироф этилгани, “жаҳон матбуотида у ҳақида ҳатто бирорта салбий эслатма учрамаслиги”<sup>20</sup> ҳам дунёни эгаллаб турган ва эгаллашга ҳаракат қиладиган медиамагнатлар, ҳоказо оммавий ахборот воситаларининг хизматлари туфайлидир.

Умуман, ёш мустақил давлат имижини шакллантириш билан боғлиқ сиёсий-ахборий усуллар ҳақида сўз кетар экан, “бўрттириб кўрсатиш” технологиясидан фойдаланиш зарурати ҳам туғилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки айнан ёш йигит-қизларга хос шиддат, куч-ғайрат ва ўзига маълум даражада бино қўйиш вақти келиб ўзини оқлаганига ҳаётда жуда кўп мисоллар мавжуд.

Дарҳақиқат жаҳон медиа маконида мамлакатнинг, давлат раҳбарининг ижобий имижини шакллантириш ишига сиёсий ва PR технологиялар арсенали билан биргаликда миллий ва хорижий ОАВ, ишбилармон доиралар ва экспертлар ҳамжамият-

---

<sup>19</sup> Токаев К. Свет и тень. – Астана, 2007. - С. 357–381.

<sup>20</sup> Ўша манба. 492- б.

лари, дипломатик ваколатхоналар, сайёҳлик компаниялари ҳам ўзларининг салмоқли улушини кўшадилар.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг дунёнинг 40 дан зиёд давлатларида фаолият олиб бораётган элчихоналари томонидан ана шу мамлакатлардаги маҳаллий ОАВ вакиллари учун матбуот анжуманлари, брифинглар, пресс-турлар ташкил қилиб келинмоқда. Шунингдек, турли маҳаллий тилларда Ўзбекистон ҳаётига доир пресс-релизлар, анонслар, бюллетенлар ва бошқа шакллардаги ахборотлар тайёрланиб, улар мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларига тарқатилмоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ташқи савдо вазирлиги томонидан чет эллик ишбилармон доиралар учун бизнес каталоглар ҳам чоп этилади<sup>21</sup>. Шунингдек, ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистонга бағишланган махсус журналлар чоп этилиб, бевосита хорижий аудиторияга тарқатилмоқда<sup>22</sup>.

Булардан ташқари, барча дипломатик ваколатхоналарнинг расмий сайтлари мунтазам фаолият кўрсатади. Уларда асосан Ўзбекистон ҳақидаги умумий маълумотлар, консуллик масалаларига доир ахборотлар, элчихона фаолияти билан боғлиқ хабарлар бериб борилади<sup>23</sup>. Айрим элчихоналаримизга алоҳида пресс-атташе штати ажратилган. Умуман, хорижий давлатларда фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси элчихоналари томонидан ахборот-тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган.

Тўғри, ҳозир мавжуд имкониятлар миллий ахборот воситаларимизни халқаро медиа монополиялар билан рақобатчи кучга айлантира олмас, лекин бундан қатъий назар, ҳар қандай ёш давлатлар сингари Ўзбекистон давлати, халқи ва раҳбарияти ҳеч бир шароитда ўзга давлатларга зуғум ўтказиш, манфаатларига дахл кўрсатишни эмас, балки ўз ички ҳаётини замонавий тамойиллар асосида тараққий эттириш ва шу орқали дунёга ёруғ

---

<sup>21</sup> Uzbekistan at the doorstep of the third millennium.– Budapest, 1998. – P. 348.

<sup>22</sup> 18 лет Государственной Независимости Республики Узбекистан.– М.: Параллель, 2009. – С. 64.

<sup>23</sup> Дипломатические представительства за рубежом // <http://mfa.uz/ru/about/missions/>

юз билан қарашни улуғ мақсад деб билмоқдалар. Юқорида тилга олинган ахборий-сиёсий технологияларнинг энг холис ва маданиятли турлари ва усулларидан фойдаланмоқдалар. Айни шу эзгу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “шуни унутмаслигимиз лозимки, биз ХХІ асрда, интеллектуал қадриятлар устувор бўлган асрда, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган асрда яшамоқдамиз. Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга махлиё бўлмасдан, ҳаволанишга берилмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни хушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин”<sup>24</sup>.



Давр алмашади, замонлар ўзгаради, лекин Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки паллалари воқеалари, хусусан, мамлакат миқёсида олиб борилган ислохот одимлари, танланган тараққиёт стратегияси ва унинг амалга оширилишининг илк босқичлари такрор-такрор ўрганилади, тадқиқ этилади. Зеро, олис-яқин минтақадаги сиёсий иқлим ғоятда таҳликали эди. Ёш мустақил давлатлар қатори эндигина истиқлолга эришган Ўзбекистон давлатини соғлом ва тўғри йўлдан чалғитувчи, тўсқинлик қилувчи кучлар оз эмасди. Таниқли сиёсатшунос олим, профессор Н.Жўраев ёзганидек, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Ўзбекистон дунёнинг бошқа давлатлари билан бир қаторда, ҳарбий, мафқуравий, молиявий ва геосиёсий таҳдидларга дучор бўлди. Совуқ уруш даври амалда тугаган бўлса-да, иқтисодий инқироз, террорчилик ва миллатчилик таҳдиди, оғир геосиёсий вазият дунё ташқи сиёсатидаги кучлар мутаносиблигини кескин равишда ўзгартириб

---

<sup>24</sup> Эл.манба: Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2011. <http://press-service.uz/uz/news/4913/>

юборди. Давлатлараро муносабатлар тизимидаги мувозанат бузилди<sup>25</sup>.

Югославия ва Собик Иттифок сингари давлатларнинг парчаланиши натижасида халқаро муносабатларнинг қатор янги субъектлари вужудга келдики, уларнинг ҳуқуқий ва геосиёсий мақомини аниқлаштириш муаммоси жаҳон ҳамжамияти олдида турган бирламчи масалага айланди. Қайд этиш керак, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти нигоҳида эски шўролар тизимидан чиққан оддий, саноати ривожланмаган республика сифатида гавдаланган бўлса, у кейинги йилларда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор, кучли давлат мақомига кўтарилди. Энг муҳими, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ миллий, дунёвий, замонавий демократия йўлини танлаган мамлакат сифатида дунёга танилиб келмоқда<sup>26</sup>.

Ана шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳар турли бухронларга тўлиб-тошган ўша таҳликали гирдобдан Ўзбекистон қандай саъй-ҳаракатлар эвазига соғ-омонликда чиқа олди? Қандай стратегик ислохотлар эвазига эришди бунга? Ва ўша халоскор ислохотларга ким бош-қош бўлди? Ички ва ташқи босимлар оғирлигини ким ўз зиммасига олди?

“Ислом Каримов 1992 йилнинг ёзидаёқ Ўзбекистоннинг асосий мақсадларини белгилаб берди. У “муқобил йўл” тўғрисида гапирмади, ўз мамлакатини бошқа давлатларга қарши қўймади. У “Ўзбекистон ўзи танлаган ислохотлар йўли”дан боришини эълон қилди”.

Ушбу иқтибос Россия Фанлар академияси президиуми ҳузуридаги сиёсатшунослик бўйича илмий кенгаш раиси, йирик олим ва таниқли публицист Федор Бурлацкий қаламига мансуб “Мустақиллик ва ислохотнинг ўн йили” деб номланган мақоладан олинди. Мақола 2001 йилнинг 11 сентябрь куни

---

<sup>25</sup> Жўраев Н. Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 189– 6.

<sup>26</sup> Дўстмуҳаммад Х.Н. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005. 5 –6.

Москвада – “Независимая газета”да<sup>27</sup>, орадан икки кун ўтгач, 13 сентябрь куни Тошкентда – “Халқ сўзи” газетасида босилди<sup>28</sup>. Мақолага бежиз “Ислоҳ Каримов – мустақил Ўзбекистон давлатчилиги тикланаётган даврнинг буюк йўлбошчиси” деган тагсарлавҳа танланмаган. Зеро, муаллиф давлатимиз раҳбарининг бутун бир сиёсий, ижтимоий ва инсоний қиёфасини – портретини яратади. Бор фикрини, ўй-мулоҳазаларини очиқ-ошқора ўртага ташлайди. Шу нуқтаи назардан ҳам мақола қайта-қайта мурожаат этишга лойиқ, хорижий муаллифнинг халқимизга, давлатимизга ва албатта Биринчи Президентимиз фаолиятига берилган юксак ва холис баҳо сифатида, янада эътиборлиси, давлатимиз Биринчи раҳбарининг халқаро имижини оширишга хизмат қилган матбуот чиқиши сифатида қадрланмоғи зарур.

Дунёнинг, башарият ҳаётининг қайси йўлдан бориши, истаимизми-йўқми, етакчи тафаккурлар мажмуаси томонидан ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар йўналишига боғлиқ. Шу жумладан сиёсий муҳит ҳам. Ана ўша етакчи тафаккур, ўша сиёсий муҳитга мос равишда давр ва сиёсий шарт-шароитга муносиб етакчиларни юзага чиқаради. Илмий-сиёсий тилда ифодаланадиган бўлса, замонавий сиёсат персонафикацияланган характерга эгадир ва айнан ана шу персонафикациянинг муваффақиятли бўлишида етакчиларнинг нафақат сиёсий омил-корлиги, балки уларни бошқалардан ажратиб турадиган шахсий хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ф.Бурлацкий ўз мақоласи қаҳрамонига мазкур мезонлардан келиб чиққан ҳолда ёндошади, янада эътиборли жиҳати, мақоланинг ўқ томирини давлат, давлат раҳбари ва халқ қиёфасининг ажралмас учлиги таърифи ташкил этади. Пировардида, ушбу учлик яхлит ҳолда “учлик имижини”ни ҳосил қилади. “Учлик имижини”да эса **давлат** ва **халқ** имижини билан чамбарчас боғлиқликда **давлат раҳбари** имижининг ўрни алоҳида эътиборга моликдир.

---

<sup>27</sup> Десять лет независимости и реформ. «Независимая газета». [www.ng.ru/ideas/2001-09-11/11\\_ten\\_years.html](http://www.ng.ru/ideas/2001-09-11/11_ten_years.html)

<sup>28</sup> Мустақиллик ва ислохотнинг ўн йили. «Халқ сўзи» газетаси. 2001 йил, 13 сентябрь

Истиклолнинг дастлабки кунларидан улкан ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқишга киришилди. Биринчи Президент ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари 1992 йил 4 январдаги IX сессиясида сўзлаган дастурий нутқида ҳамда 1992 йил август ойида нашр этилган “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли” асарида мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини ҳар томонлама пухта белгилаб берди.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли И.Каримовнинг кейинги асарлари, маъруза ва нутқларида янги маъно-мазмун билан тўлдириб борилди. Ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели шакллантирилди. Бешта тамойилни ўз ичига олган бу моделнинг мазмун-моҳияти Биринчи Президентнинг 1993 йилда нашр этилган “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли асарида атрофлича асослаб берилди. Тараққиётнинг ўзбек модели иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш билан бирга давлат қурилиши, жамиятни демократлаштириш, мулкдорлар синфини ва хусусан, ижтимоий-синфий тузилмани такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш, шуниндек, маданий мерос ва маънавият билан боғлиқ жиҳатларни қамраб олади. Бу унинг ўзига хос устувор хусусиятлари мавжудлигидан далолат беради.

Россиялик мутахассис олим ва сиёсатшунос айни шу жиҳатга қуйидагича эътибор қаратади: “У (И.Каримов – Б.А.) ишлаб чиқариш соҳасида раҳбарликнинг катта мактабини ўтган тажрибали иқтисодчи сифатида иқтисодиётда, айниқса, жамиятда турли кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг ҳар қандай кўринишига эҳтиётлик билан ёндашди. Ислоҳ Каримов миллий мақсад – демократик, ижтимоий адолатли, дунёвий, ҳукуқий давлат қуришдан иборат эканлигини белгилаб берди. Ушбу мақсад узоқ вақт социал-демократлар раҳбарлик қилган Европа давлатларининг ривожланиш моделини эслатади”<sup>29</sup>.

---

<sup>29</sup> Бурлацкий Ф. Мустақиллик ва ислохотларнинг ўн йили. // Независимая газета. 2001 йил 11 сентябрь.



Бирок масаланинг бошқа муҳим жиҳатини унутмасликка тўғри келади. Гап шундаки, давлатимиз раҳбари миллий ислоҳот стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида ҳаёт ва тарих синовидан ўтган жаҳон тажрибасини чуқур ўрганган бўлиши табиий, шу билан бир вақтда, дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор бир мамлакат учун мақбул бўлган тараққиёт йўли бошқа бир давлат учун андоза бўла олмайди. Бинобарин, И.Каримов томонидан ички имкониятлар, шарт-шароитлар, эски тузумдан “мерос” қолган муаммолар атрофлича ҳисобга олинди.

Қиёсланадиган бўлса, Германия, Швеция, Япония, Жанубий Корея, Франция ва Хитой каби мамлакатларнинг тараққиёт моделлари кўпроқ иқтисодий йўналишдан иборат бўлган. Ушбу мамлакатларнинг ривожланиш стратегиясида сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётни тубдан янгилаш масалалари назардан четда қолган. Уларнинг бирортасида, кўзда тутилган иқтисодий ислоҳотлар даврида, миллий давлатчилик, кўп асрлик маданий мерос, миллий қадриятлар, чунончи, она тили мавқеини тиклаш сингари масалалар долзарб мавзу сифатида кўтарилмаган. Биргина Жанубий Кореяда ушбу жараёнда давлат қурилишига алоҳида эътибор қаратилган ҳолос.

Халқимиз томонидан ҳам, халқаро майдонда ҳам эътироф этилган мустақил тараққиёт йўли – “Ўзбек модели”нинг беш тамойили (1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафқурадан ҳолилиги. 2. Давлатнинг бош ислоҳотчи экани. 3. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлиги. 4. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш. 5. Бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта уйлаб, босқичма-босқич ўтиш) асосида мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли назарий ва амалий жиҳатдан пухта белгилаб олинди. Улар демократик ҳамда иқтисодий қайта ўзгаришлар жараёнларини амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтмоқда. Муҳими, ушбу ислоҳотларга жаҳон медиамақомида катта қизиқиш билдирилиб, улар дунё жамоатчилигининг эътибори ва эътирофига сазавор бўлиб келмоқда.

Ф.Бурлацкий бу қарашларни эътибордан четда қолдириши мумкин эмасди. Зеро, “Президент, – деб ёзади у, – бошиданок замонавий маданий давлат қуриш тамойилларига таянган ҳолда, юқоридан “инқилоб қилиш”ни эмас, балки тадрижий, босқичма-босқич ўтиш йўлини танлади”. Шунингдек, мақола муаллифи Ўзбекистон Биринчи Президенти соф миллий анъаналар руҳидан келиб чиққан ҳолда оталарча ғамхўрлик сиёсатини амалга оширганлигини таъкидлар экан, “Ўзбек халқи мамлакатни кескин талотумлардан асраб қолган, барқарорликни таъминлаган, бошқа давлатларда энг кўп азият чеккан қатлам – болалар ва кексалар тўғрисида ғамхўрлик қилган ўз Президентидан астойдил миннатдор бўлиши лозим” эканлигига алоҳида урғу беради.<sup>30</sup>

Биринчи Президент И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва қатъий режа асосида изчил амалга ошириб келинган ички ислохотлар концепцияси давлатимизнинг ички имижини шакллантириб келаётган бўлса, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона, одилона ички ва ташқи сиёсат, давлатимизнинг танлаган ўз йўли ҳамда “Ўзбек модели” номи билан танилган бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси давлатимизнинг ташқи имижининг барпо топишига, унинг мустақамланишига асос яратди. Бу ҳолат хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ва қилинаётган мақола ва бошқа чиқишларда атрофлича акс топди ва топмоқда.

Тараққиётнинг ўзбек модели, авваламбор унинг муаллифи – Биринчи Президент И.Каримов имижини дунё миқёсида янада мустақамлашга хизмат қилди. Чунончи, юқорида тилга олинган Ф.Бурлацкий давлатимиз Биринчи раҳбари ҳақида сўз юрита туриб уни Собиқ Иттифокнинг аксарият раҳбарларидан мутлақо айрича шахс деб билганини ёзади. Бу билан кифояланмасдан Ислом Каримов феномени ва унинг тарихдаги ўрнини белгилашда энг юксак мезонларни қиёс сифатида санаб ўтади. “Мен, – деб ёзади у, – Собиқ Иттифок ва кўпгина республикаларнинг раҳбарлари, жумладан, Хрушев, Андропов, Горбачев,

---

<sup>30</sup> Бурлацкий Ф. Мустақиллик ва ислохотларнинг ўн йили. // Независимая газета. 2001 йил 11 сентябрь.

Ельцин, Шеварднадзе билан таниш эдим, бирга ишлагандим ва улар тўғрисида ёзган эдим. Осиё давлатлари раҳбарлари – Мао Цзедун, Дэн Сяопин, Индира Ганди тўғрисида ҳам ёзгандим. Мен улар қаторида Ислом Каримов қандай ўрин тутишини билишни жуда хоҳлардим. Зеро, у Евросиё қитъасидаги ўзига хос ва сирли мамлакатлардан бирининг раҳбари, собиқ биринчи котиб, ҳозирги кунда Амир Темур, Улуғбек ва Навоий далатининг меросхўри бўлган Республика Президенти”.<sup>31</sup>

Ана шу гапнинг ўзи давлатимиз Биринчи раҳбарига ҳам тарихий, ҳам миқёсий жиҳатдан берилган улкан баҳодир.

“Ўзбек модели”нинг ўзига хос афзалликлари, ютуқлари жаҳон медиа- маконининг доимий диққат марказига айлангани, яъни кўплаб мақола ва материалларнинг чоп этилаётганида ўз аксини топди. Чунончи, Испаниядаги “The Diplomat in Spain” номли газета Ўзбекистон собиқ тоталитар тизимдан батамом воз кечиб, ўзига хос йўлга ишонч билан қадам қўйганлиги ва бу жараён бутун дунёда тараққиётнинг ўзбек модели сифатида тан олинганига урғу беради<sup>32</sup>.

Техронда нашр қилинадиган “Iran news” газетаси ҳам мамлакатимизда жорий этилаётган ислохотларга юқори баҳо беради. Хусусан, аҳоли ҳаётининг фаравонлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбияси каби қатор муҳим йўналишларда салмоқли ишлар амалга оширилаётганлигига эътибор қаратади. Эрон газетаси таъкидлаганидек, машҳур бешта тамойилга асосланган “ўзбек модели” Ўзбекистонда муваффақиятли амалга оширилаётган барча ислохотларнинг асоси-пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда<sup>33</sup>.

Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Сирил Мюллер Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга йўллаган мактубида

---

<sup>31</sup> Бурлацкий Ф. Мустақиллик ва ислохотларнинг ўн йили. // Независимая газета. 2001 йил 11 сентябрь.

<sup>32</sup> Узбекистан - один из ведущих партнеров Испании в Центральной Азии. // The Diplomat in Spain. 2 октября 2015. [http://jahnnews.uz/ru/aktualno/127/10727/?sphrase\\_id=1755](http://jahnnews.uz/ru/aktualno/127/10727/?sphrase_id=1755)

<sup>33</sup> За короткий по историческим меркам период Узбекистан достиг больших успехов. // Iran news. [http://jahnnews.uz/ru/aktualno/127/1674/?sphrase\\_id=1755](http://jahnnews.uz/ru/aktualno/127/1674/?sphrase_id=1755)

шундай ёзади: Сизнинг хусусий секторни Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишига айлантириш борасидаги стратегик концепциянгизни юксак баҳолайман ва қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон кейинги ўн йиллар давомида эришган улкан ютуқлар ва ўсиш суръатларини сақлаб қолиши ва янада ривожлантириши учун тараққиётнинг янги усулларини топиши зарур деган фикрга тўла қўшиламан<sup>34</sup>.

Истиқлолнинг 10 йиллик даври мобайнида, – деб ёзади Москва Давлат университети ректори В. Садовничий, – Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёт, таълим, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш йўлида улкан ютуқларни қўлга киритди. Бу ўзбек халқи ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан миллий тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиш ва белгилаб олиш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Бу концепция ўзида умумдунёвий тараққиёт тенденциялари ҳамда миллий анъаналарни мужассам этган. Амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият ҳаётининг ўта муҳим соҳасини ривожлантиришга ижодий ёндашилганининг ёрқин далилидир<sup>35</sup>.

Бир сўз билан айтганда, республикаимиз ўзига хос ривожланиш йўлидан давлатимиз Биринчи раҳбарининг бевосита раҳнамолигида дадил қадамлар билан борганлиги жаҳон оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси босиб ўтган йўлнинг, жумладан, Биринчи юртбошимиз фаолиятининг жаҳон медиа-маконида ёритилиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бу жараёни

---

<sup>34</sup> Эл.манба: Сирил Мюллер, Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига. [uza.uz. http://uza.uz/uz/politics/ekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimov-zhanobi-oliy-18-01-2016?sphrase\\_id=1246950](http://uza.uz/uz/politics/ekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimov-zhanobi-oliy-18-01-2016?sphrase_id=1246950)

<sup>35</sup> Садовничий В., Москва Давлат университети ректори, Россия Фанлар академияси академиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига / Халқ сўзи, 2001 йил 28 август.

“Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” даври билан чамбарчас боғлиқ тарзда, куйидаги бир қатор босқичларга бўлиб ўрганиш, тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқич сифатида 1989-1991 йиллар олинади. Бу босқич И.Каримовнинг республика раҳбари лавозимига келиши, Ўзбекистонда мустақиллик ғояларининг пишиб етилиши, давлат мустақиллиги тасодифий воқелик туфайли эмас, балки республикада юзага келган зиддиятли ва мураккаб вазиятдан чиқиш йўл-йўриқларини қидириш билан характерланади. Мазкур йилларнинг алоҳида давр сифатида эътироф этилишида Биринчи Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асаридаги хронологик ёндашув ҳам ушбу даврнинг концептуал асоси ҳисобланади<sup>36</sup>.

1991-2000 йилларни ўз ичига қамраб олган иккинчи даврда Ўзбекистон миллий давлатчилигига тамал тоши қўйилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишга қаратилган ўтиш даврининг дастлабки ислохотлар жараёни бошланди.

Ҳозирги МДХ ҳудудида пайдо бўлган қатор ёш давлатлар орасида бизнинг мамлакатимиз ўзининг бетакрор ривожланиш йўлини танлади. Муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистоннинг ана шу тараққиёт йўли жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди ва бу жараён хориждаги етакчи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритила бошланди. Жумладан сиёсатшунос олим Ф.Бурлацкий давлатимиз Биринчи раҳбари билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида унга шундай савол билан мурожаат қилади: “Ислохотларнинг муқобил йўли қачон ва қай тарзда белгиланган?”

“Ва қутилмаган жавоб мени лол қолдирди”, дея эътироф этади рус олими. “Ислом Каримов СССР парчаланган кезларда бошқа йўл ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганини айтди. Ўша пайтларда

---

<sup>36</sup> Сабилов А.Т. “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи”, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ. Фан доктори илмий даражасига талабгорлар учун ўқув қўлланма. – Т.: 2013. 6,8 – бетлар.

гап, аввало, Ўзбекистон халқини тинч-омон сақлаб қолиш ҳақида борган эди”<sup>37</sup>.

Айнан шу даврда собиқ тизимдан воз кечилиб, миллий истиқлол ғоясининг асослари шакллана бошлади. Биринчи Президент И.Каримов раҳнамолигида демократик кадриятларнинг мустақамланиши баробарида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига жадал кириб бориши билан боғлиқ муҳим ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз тенг ҳуқуқли, суверен давлат сифатида ташки муносабатларни ўрнатиб, қатор минтақавий ва халқаро ташкилотларга аъзо сифатида кирди. Бундай ҳолат республиканинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан юксалишига асос бўлди.

Айнан шу даврда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти барпо этилди. Мамлакатда эркин бозор иқтисодиётига ўтилди, шунингдек, фуқаролик жамияти асослари яратилди. Мамлакат мустақиллигини ҳар томонлама мустақамлаш билан бирга, минг йиллик анъаналар, бой миллий кадриятлар, урф-одатларни асраб авайлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишда амалга оширилган ислохотлар хориж матбуотида атрофлича ёритиб келинмоқда.

Сеулда чоп этиладиган “The Korea Post” журналидаги “2015 йил – Ўзбекистонда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланган мақола ана шулардан биридир”<sup>38</sup>. Унда эътироф этилганидек, Ўзбекистонда кекса авлод вакиллари ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хорижий матбуот саҳифаларидан бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

2000-2010 йилларни қамраб олган учинчи босқичда мамлакатда фаол демократик янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари кузатилди. Чет эл матбуоти саҳифаларида

---

<sup>37</sup> Бурлацкий Ф. Мустақиллик ва ислохотларнинг ўн йили. // Независимая газета. 2001 йил 11 сентябрь.

<sup>38</sup> “The Korea Post” sahifalarida O‘zbekiston mavzusi. // “Jahon”AA, Seul. Elektron manzil – [http://jahonnews.uz/uz/ekonomika/285/6140/?sphrase\\_id=1759](http://jahonnews.uz/uz/ekonomika/285/6140/?sphrase_id=1759)

Ўзбекистон билан боғлиқ чоп этилган материалларнинг аксариятида айнан шулар бош мавзу сифатида олиб чиқилди.

Бу даврга келиб мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида демократлаштириш ҳамда либераллаштириш жараёнлари янада чуқурлашди. Эътиборли жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мустақил суд тизими мустаҳкамланди. Бундан ташқари фуқаролик жамияти асослари ривожланди, халқнинг иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга эришилди.

Биринчи Президент И.Каримов таъкидлаганидек, 1991-2000 йиллар ва 2000-2010 йилларни ўз ичига қамраб олган “бу икки давр халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври, том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди”<sup>39</sup>.

“Айни пайтда барчамиз бир ҳақиқатни ўзимизга аниқ тасаввур этишимизни истардим. Яъни, эришилган бундай марралар – барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий кадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми холос”<sup>40</sup>, дея фикр билдирган эди.

2010 йилдан эътиборан тўртинчи босқич бошланди. Бу давр демократик ислохотлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнини янада чуқурлаштириш босқичи ҳисобланади. Шубҳасиз, мазкур босқич Биринчи Президент И.Каримов томонидан мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш концепциясининг ишлаб чиқилиши билан чамбарчас боғлиқ.

Бунда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, ахборотлаштириш соҳасини ислох

---

<sup>39</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. - Т.Ўзбекистон, 2008. 16-жилд. 3, 47– 6.

<sup>40</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2011. 19-жилд. 39– 6.

этиш, сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, иқтисодийни либераллаштиришга доир ислохотларни чуқурлаштириш каби долзарб масалаларга асосий эътибор қаратиб келинмоқда.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир босқич ўзига хос хусусиятлар, мақсад ва вазифаларга йўналтирилган бўлишидан қатъий назар, ўзаро бир-бирларини тўлдирувчи ҳамда муштарак мақсадга қаратилган узвийлик билан боғланган.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, дарҳақиқат, ўтган тарихан қисқа даврда Ватанимизнинг ички имижини шаклланди. Соғлом, осойишта ижтимоий муҳит, сиёсий барқарорлик вужудга келиб, фуқароларимизга ўз қобилият ва истеъдодларини эркин намойиш қилиш, яратиш, ижодкорлик, бунёдкорлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Ички имиж негизида ташқи имиж барпо этилди. Шунинг алоҳида таъкидламоқ зарурки, мамлакатимизда тараққиётнинг ўзига хос миллий моделини муваффақиятли амалга ошириш баробарида давлат, давлат раҳбари ва халқ имижини яхлит бир жараён, воқелик сифатида шаклланди, ривожланди ва дунё жамоатчилиги томонидан тан олинди, десак асло муболаға бўлмайди.

Биринчи Президент И.Каримовнинг 2010 йил 12 октябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзусидаги маърузасида айтиб ўтилганидек, “Тарихимизга кириб келаётган ... буюк марра муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда”<sup>41</sup>.

---

<sup>41</sup> Каримов И.А. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 3– 6.



Айни маънода хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизнинг янги қиёфаси, унинг образи, имижини шакллантиришга қаратилган хилма-хил мақола, шарҳ, суҳбат ва ҳоказо матбуот материалларини атрофлича ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил қилиш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маънавий-маърифий, ҳам миллий-психологик жиҳатлардан алоҳида аҳамиятга эгадир.



Таъкидланганидек, дунё харитасида ҳар қандай суверен, ёш давлатнинг пайдо бўлиши билан, табиийки, унинг ўзига хос медиа-имижи ҳам шакллана бошлайди. Шундай экан, мазкур сиёсий жараён йиллар кесимида, яъни, даврлаштирилиб, алоҳида ўрганилганда унинг эволюциясини яққол кўриш мумкин. Муҳим аҳамият касб этадиган тарихий бурилишлар, ўзгаришлар ва бир-биридан фарқланадиган ривожланиш босқичлари кўзга ташланади. Жумладан, жаҳон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон имижи эволюциясига тааллуқли муҳим воқеалар; давлат раҳбарининг ички ва ташқи глобал муаммоларни бартараф этишдаги омилкорлиги; унинг халқаро ташкилотлардаги иштироки, нуфузли халқаро ташкилотлар, чунончи БМТ минбаридаги чиқишлари, минтақавий муаммолар бўйича илгари сурган ғоялари; жаҳон молиявий инқирозини бартараф этиш бўйича таклифлари; шунингдек, юз берган фавқулодда ҳолатларда намоён этган шижоати, донолиги ва ҳ.к.

Фавқулодда ҳолатлар ҳақида сўз юритилганда, аввало, Мустақилликка эришишнинг ўзи бир фавқулодда ва жиддий ҳолат эканлигини қайд этмоқ лозим. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобининг “Сўзбоши ўрнида” деб номланган кириш қисмида<sup>42</sup> алоҳида таъкидланганидек, “юртимиздаги ғоят қалтис ва носоғлом вазият, озгина учқун чикса, бутун республика ёниб кетадиган, тўғри йўлни топиш ўта мураккаб бўлган бир шароитда инқироздан чиқиш, Ўзбекистоннинг тақдири ва келажагини ҳал этадиган энг муҳим масалалар

---

<sup>42</sup> Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.– Т.: Ўзбекистон, 2011. 440–б.

бўйича улкан донишмандлик ва жасорат билан баён этилган концептуал ёндашувлар, амалий фикр-мулоҳазалар”ни илгари суриш учун ўзига хос шижоат ва оқилона ечимлар топа билиш қобилиятига эга бўлиш керак эди.

Бу ҳақиқатни россиялик олим ва сиёсатшунос Ф.Бурлацкий ҳам таъкидлаган. Ҳақиқатда ҳам, мустақилликнинг илк одимлари ташланаётган паллада “Бошқа барча республикалар қатори Ўзбекистонда раҳбарнинг ғоялари ва иродаси ҳал қилувчи роль ўйнади”. Чиндан ҳам биринчи раҳбарнинг дадиллик билан илгари сурадиган ғоялари ва букилмас иродаси бутун мамлакат халқининг тақдирини ҳал қилиши муқаррар эди. Бошқача айтганда, айна ўша даврда давлат раҳбарлиги бошқа бир феъл-атвордаги, мисол учун бўшанг, қатъиятсиз, иродаси заиф раҳбарнинг қўлида қолиши тарихий хатога тенг бўлур эди.

“Мен шу нарсага қатъий амин бўлдимки, – деб ушбу мулоҳазани ўзича тасдиқлайди Ф.Бурлацкий, – Ислоҳ Каримов республиканинг ўз ислоҳотлар йўлини излашга кўпгина бошқа раҳбарларга қараганда тайёрроқ эди”<sup>43</sup>.

Таъкидлаш жоиз, ташқи алоқалар ўрнатиш борасидаги дастлабки қадамлар 1991 йилнинг октябрь-декабрь ойларидаёқ қўйилди. Ярим йил мустақил ташқи сиёсат олиб бориб, бу бўйича маълум тушунча ва тажрибага эга бўлган Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсат юритишида қуйидаги асосий тамойилларни эълон қилди:

- мафкуравий қарашдан қатъи назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш;

---

<sup>43</sup> “Мустақиллик ва ислоҳотнинг ўн йили”. Халқ сўзи газетаси. 2001 йил 13 сентябрь.

– ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий меъёрлардан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва меъёрларининг устуворлиги;

– давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш;

– тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;

– давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

– ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик<sup>44</sup>.

Ўзбекистоннинг халқаро мақоми, халқаро муносабатлардаги позицияси 1992 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Мамлакатнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва ҳавфсизлиги тамойилларига мос тинчликсевар ташқи сиёсати унинг мустақил давлат сифатида тезда тан олинисини таъминлади. Ўзбекистон мустақиллигини 165 та давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. 2000 йилларга келиб Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Дунёдаги 20 дан ортик давлатда эса Ўзбекистон элчихоналари фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистоннинг дунё давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқалари, БМТ сингари мувофиқлаштирувчи ташкилотлар таркибидаги ташқи сиёсати кун сайин ривожланиб бормоқда. Ташқи муносабатлардаги охирги ўзгаришлар ва янгиликларни ҳукумат портали – gov.uz ва ташқи ишлар вазирлигининг mfa.uz веб-сайтлари орқали кузатиб бориш мумкин.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бутун дунёни қамраб олган интеграциялашув жараёнига дадил қадам ташлади. Ваҳоланки, вазият оғир, ҳатто таҳликали эди. Шунга қарамай,

---

<sup>44</sup> Жўраев Н. Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 196–б.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш жараёни уч йўналишда, уч геосиёсий маконда амалга оширила бошланди. Чунончи:

1) Марказий Осиёнинг янги мустақил республикалари билан кенг ҳамкорликлар йўлга қўйилди. Ўша даврда ягона геосиёсий макондаги вазият минтақадаги субъектларнинг жипслашувини тақозо этарди. Бу борада Ўзбекистон кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий фигурасига айланди;

2) МДХ микёсида юз берган турли мураккаб ҳолатларга қарамай Ўзбекистон Ҳамдўстлик иштирокчилари билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда давом этди;

3) Дунё мамлакатлари, жумладан, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув борасидаги ҳамкорликлар муҳим аҳамиятга эга бўлди ва Ўзбекистоннинг энг муҳим ҳамкорлари бўлмиш Туркия, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон, Эрон, Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ билан ўзаро муносабатлари юзасидан олиб борган фаолияти ташқи имиж яратилиши нуқтаи назаридан махсус ва салмоқли тадқиқотлар учун мавзу бўла олади.

Давлатимизнинг ташқи ҳамкорлик алоқалари ривожлангани сари эришилган ютуқлар ва ташқи имижнинг мустаҳкамланиши борасидаги ютуқлар сарҳисоб қилинар экан, уларнинг барчасида Биринчи Президент И.Каримов зиммасида нечоғли оғир масъулият бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Зеро, ҳар қандай микёсдаги халқаро муносабатлар жараёнида Биринчи Президентимиз воқеалар марказида бўлар, у кишининг нуқтаи назари иштирок этувчиларнинг диққат-эътиборини тутиб турар, Ўзбекистон раҳбари билдирган ҳар бир фикр-мулоҳаза, олға сурган ғоя ва таклифлар инобатга олинарди.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, И.Каримовнинг Тожикистон ва Афғонистондаги таҳликали вазиятлар юзасидан, минтақамизнинг асосий экологик ҳалокат ўчоғи бўлмиш Орол худудини соғломлаштириш юзасидан, Украина, Грузия ва Қирғизистондаги давлат тўнтаришлари юзасидан, БМТ, ЮНЕСКО, НАТО, ЭКО ташкилотлари билан ҳамкорликлар давлатимиз Биринчи раҳбаридан ғоятда юксак сиёсатдонлик, уддабуронлик, қатъият талаб қиларди. Ислом Каримов фаолиятида бу каби муҳим ва зарур фазилатлар тўла мужассам эди.

Кези келганда, унутмаслик керакки, Ўзбекистон Биринчи Раҳбарининг шахс сифатидаги ўзига хосликлари – талабчанлиги, муросасизлиги, амалиётчилиги, соф ўзбекона жайдари тилда айтганда, бўладиган ишга киришиб, аравани қуруқ олиб қочишни ёқтирмаслиги халқаро муносабатларда ҳам кўринмай қолмади. “Негаки, – деб таърифлайди Ф.Бурлацкий, – у жуда ишчан, прагматик, ўзига бино қўйиш ва сохта обрў-эътибор орттиришни ёқтирмайдиган раҳбар. Халқаро муносабатларда, шу жумладан, МДХ мажлисларида дабдабали учрашувларни хуш кўрмаслигининг боиси шу эмасми? Шахсан менга бу мажлислар СЭВ (Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши) ва Варшава шартномаси учрашувларини эслатади”.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фаолияти чет элларда ҳам юксак баҳоланди. И.Каримов бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден-медаллари билан мукофотлангани, жумладан, халқлар ва маданиятлар ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга қўшган буюк хизматлари учун “Андрей Первозванный” фондининг “Диалог цивилизации” халқаро мукофоти билан тақдирланиши<sup>45</sup> унинг улкан хизматлари эътирофидир.

Шунингдек, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти хорижий давлатлар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб И.Каримовни мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳомийси сифатида олиб борган фаолияти учун ушбу ташкилотнинг Олтин медали билан мукофотлаган<sup>46</sup>.

Биринчи Президентимиз томонидан олиб борилган оқилона сиёсат, айниқса унинг минтақада тинчликни сақлаш борасида амалга оширган ишлари хорижий мамлакатлар жамоатчилиги томонидан доимий равишда эътироф этилди.

Бунга мисол сифатида 2001 йили Москвада бўлиб ўтган МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг IV “Евроосиё

---

<sup>45</sup> РИА Новости // <http://ria.ru/spravka/20130130/920126506.html#ixzz2JTt72FdV>

<sup>46</sup> Бокш А. ЖИМТ Бош директори. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислмо Каримов жаноби олийларига / Ўзбекистон овози, 1996 йил 7 май.

телефоруми”нинг махсус мукофотини келтириб ўтиш мумкин<sup>47</sup>. Мазкур мукофот иловасига “Оммавий ахборот воситалари орқали XXI асрнинг янги хавф ва таҳдидларига, биринчи навбатда, халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддалар тарқалиши хавфига қарши кураш ғояларини фаол тарғиб қилаётгани, яхшилик ва инсонпарварлик ғояларига ҳормай-толмай хизмат қилаётганлиги учун” деб ёзилганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Форум давомида профессор Л.Левитиннинг “Ўзбекистон тарихий бурилиши палласида” асари асосида тасвирга олинган илмий-публицистик фильм намойиш этилиши муҳим воқеа бўлганлиги ва таъкидлаш жоизки, ушбу картина И.Каримовнинг тинчлик-севар сиёсати, жамиятимизнинг очиқлиги, Ўзбекистоннинг ҳар қандай муаммолар бўйича жаҳон майдонида тенг мулоқот олиб боришга қодирлигини яна бир қарра тасдиқлади.

И.Каримов Россия авиация ва ҳавода сузиш академиясининг академиги, Москва Давлат университетининг фахрий профессори. Шунингдек, иқтисод, фан ва таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун бошқа қатор хорижий мамлакатлар университетлари ҳамда академияларининг фахрий доктори, академиги каби илмий унвонлар ва даражалар соҳиби бўлди.

Қайд этиш ўринлики, давлатимиз Биринчи раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусларга жаҳон оммавий ахборот воситалари алоҳида эътибор қаратдилар. Жумладан, 1997-2001 йилларда БМТ шафёълигида минтақада тинчлик ўрнатиш йўлида фаолият олиб борган “6+2” гуруҳини кенгайтириш ҳақидаги ғояга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

2008 йил НАТОнинг Бухарест саммитида И.Каримов хавфсизлик миссиясига дахлдор НАТО, АҚШ, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиб, янги „6+3” мулоқот гуруҳини тузишни таклиф этди. Яъни, бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро

---

<sup>47</sup> Президент жасорати учун тақдирланди.// Ўзбекистон овози. 2001й. 20 октябрь.

мурога чораларини топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни яратиш каби масалалар ўртага ташланди. Россиянинг “РИА Новости” ахборот агентлиги, Кувайтнинг “Ал-Ватан”, “Ал-Жарида”, “Ал-Кабас”, “Ал-Рай”, Покистоннинг “The Nation”, Эроннинг “Tehran Times”, Мисрнинг “Ал-Мустакбал”, Саудиянинг “Ал-Жазира” каби қатор газеталар юқоридаги ташаббусга юксак баҳо бердилар<sup>48</sup>.

Ислом Каримов Россия ва АҚШ билан бир қаторда Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши жараёнининг муҳим гарови сифатида НАТОни киритиш таклифини илгари сурди, дея хабар берган “РИА Новости” агентлиги Москвадаги Стратегик ва сиёсий тадқиқотлар институти директори Виталий Наумкиннинг куйидаги фикрини келтиради: Ўзбекистон Президенти ташаббусига “осонгина рози бўлишимиз ва қўшилишимиз” мумкин. Ушбу таклифнинг қиммати шундаки, у минтақадаги барча етакчи давлатлар ҳамда Россия ва Ғарб томонидан бирдек маъқулланиши, шунингдек, Афғонистон масаласидаги ҳамкорлик ишларида ўзаро ишончни мустаҳкамлаши мумкин<sup>49</sup>.

Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган фаолияти унинг халқаро медиа имижини шакллантиришнинг бирламчи омилларидан ҳисобланади. Негаки, ахборот алмашинуви механизмлари билан бевосита иш олиб бориб, PR технологияларига шубҳа билан қарайдиган дунёнинг сиёсий ва маданий элитаси нигоҳида давлатнинг имижини унинг халқаро конференциялар ва учрашувларда, дипломатик миссияларда, музокаралар ва расмий ташрифларда иштирок этадиган вакиллари қиёфасида шаклланади.

Маҳаллий сиёсатчиларнинг халқаро аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги фаол иштироки, сиёсий ташаббуслари, маҳаллий ёки минтақавий муаммоларни жаҳон миқёсига олиб

---

<sup>48</sup> Высокая оценка инициатив Узбекистана.

<http://pligin.viperson.ru/articles/vysokaya-otsenka-initsiativ-uzbekistana>. 5 апреля 2008.

<sup>49</sup> Эл. источник: Гончаров П., Афганистан: назад в 1997 год?

<http://ria.ru/analytics/20080507/106812925.html>

чиқа олиши мамлакатга бўлган ишонч ва ҳурматнинг ортишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг геосиёсий ўйинлар авж олган, турли-туман манфаатларнинг кесишиш нуқтаси бўлган, гиёҳванд моддалар етиштириладиган, террорчилик, диний экстремизм, миллатчилик каби бузгунчи ақидалар учун “инсоний ресурс” бўлиб хизмат қилаётган минтақада жойлашганлиги унинг халқаро сиёсатда дадил қатнашишини тақозо этарди. Аммо ўтган давр мобайнида асосий эътибор минтақанинг оғриқли нуқталарига қаратилди.

Хусусан, 1999 йил Афғонистон муаммосини бартараф этиш йўлида улкан силжиш бўлди ва бунда Ўзбекистон марказий ўринлардан бирини эгаллади. Ўша йили 19-20 июль кунлари 6+2 гуруҳининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида 1979 йилдан буён биринчи марта Афғонистон муҳолиф томонларининг бир давра атрофидаги музокаралари бўлиб ўтди. БМТ Бош қотибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Л.Брахими Ўзбекистоннинг ушбу можарони ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади<sup>50</sup>.

Афғонистон муаммоси умумжаҳон тақдирига дахлдор масала сифатида кўтарилди. Дарҳақиқат, қўшни Афғонистондаги биродаркушлик урушида “тобланган” халқаро террорчилик айнан бизнинг минтақадан бутун дунёга илдиз ота бошлаганини афсус билан таъкидлаб ўтиш керак. Шу боис илк бора 1999 йил 18-19 ноябрда, ЕХХТнинг Истанбул саммитида жаҳон ҳамжамияти халқаро террорчилик хавфидан огоҳлантирилди. Ўзбекистон Биринчи Президенти томонидан кўтарилган ушбу долзарб муаммога 2001 йилга қадар кам эътибор қаратилди. Фақат Нью-Йоркдаги қўпоровчилик ҳаракатидан сўнг террорчиликка қарши жиддий кураш бошланди. Бу ишга Ўзбекистон ўз хиссасини қўшди<sup>51</sup>.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, 11 сентябрь воқеаларидан кейин хорижий мухбирлар ўртасида Афғонистонга ва умуман минтақамизга бўлган қизиқиш кескин ортди. Бунини ўша даврда

---

<sup>50</sup> Ўша манба.231-б.

<sup>51</sup> Жўраев Н. Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. –39-б.



“Би-Би-Си”нинг Ўзбекистондаги мухбири бўлган Ж.Лиллис тасдиқлайди ва унинг хотирлашича “Афғонистон ёпик эди ва шу сабабдан барча чет эллик мухбирлар Тошкент орқали ишлашарди<sup>52</sup>”.

Ҳақиқатан ҳам 2001 йил 11 сентябрь куни АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида Марказий Осиё минтақасидаги вазият кескинлашди. Шу муносабат билан Президент И.Каримов баёнот бериб, унда чет эл оммавий ахборот воситаларини бирёқлама, уйдирма ва сохта хабарлар тарқатаётганликлари учун танқид қилди. “Бундай информацион хуруж замирида мана шу минтақада жойлашган давлатларнинг орасини бузиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ўзаро ишончини йўқотиш мақсадида қилинаётган ифвогарлик ҳаракатларининг намоишини кўриш мумкин<sup>53</sup>”.

Россиялик эксперт Ф.Бурлацкий айна шу борада ҳам И.Каримовнинг фаолияти ва позициясини атрофлича таҳлил ва тадқиқ этар, эътиборни туб моҳиятга қаратади. Олим тажовузкор экстремизм ўчоғи Афғонистон сингари мамлакатларга жойлашганлигини таъкидлай туриб, “улар бу мамлакатлардан Осиёдаги собиқ совет республикаларига сукулиб киришга уринмокдалар, – дейди. – Бу оқимга қарши туришда Ўзбекистон етакчи мавқега эга”.

Хўш, савол туғилади: етакчиликнинг туб сабаби, боиси нимада? Таниқли сиёсатшунос ва олим куйидагича жавоб беради: “Минтақада аҳолиси 25 миллион киши бўлган энг йирик давлат сифатида ҳам, исломнинг ҳақиқий кадриятларини ўз ичига олган буюк миллий маданият анъаналарига содиқ бўлгани учун ҳам, мамлакат замонавий тараққиётга интилаётгани учун ҳам, очигини айтиш керак, Ислом Каримов республика раҳбари бўлгани учун ҳам Ўзбекистон бу оқимга биринчи бўлиб қарши турмоқда”.

---

<sup>52</sup> Эл.источник: Каково это - работать иностранным журналистом в Казахстане?  
[http://www.esquire.kz/3400-](http://www.esquire.kz/3400-kakovo_ieto_rabotat_inostrannim_jurnalistom_v_kazahstane)

[kakovo\\_ieto\\_rabotat\\_inostrannim\\_jurnalistom\\_v\\_kazahstane](http://www.esquire.kz/3400-kakovo_ieto_rabotat_inostrannim_jurnalistom_v_kazahstane)

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг баёноти. // Ўзбекистон овози. 2001 йил, 6 октябрь.

Давлатимиз Биринчи раҳбарининг Ўзбекистоннинг тинчлик-севар давлат сифатидаги салоҳиятининг шаклланишига ёрдам берган яна кўплаб ташаббусларини, фаолият йўналишлари рўйхатини тузиш алоҳида тадқиқот мавзуси бўлади.

Афсус билан қайд этиш керакки, охириги ўн йиллик ичида минтақадаги энг қонли воқеалар 2010 йилнинг 10-15 июнь кунлари Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида содир бўлди. Этник тўқнашувлар оқибатида юзлаб бегуноҳ одамларнинг ҳалок бўлиши, мол-мулки ва бошпанасидан ажралиши, Қирғизистоннинг ўзбек миллатига мансуб тинч аҳолиси носоғлом кучлар томонидан қатағон қилиниши, уйларга ўт кўйилиши ва бошқа ваҳшийликлар дунё жамоатчилигини ларзага солди. Бу айниқса кўшни Ўзбекистон учун аянчли оқибатлар келтириб чиқариши, маҳаллий тўқнашув давлатлараро урушга айланиши, постсовет минтақасида “Иккинчи Қорабоғ” вужудга келиши эҳтимолдан йироқ эмас эди.

Ўзбекистон сиёсий доиралари босиқлик билан инқирозли вазиятни бартараф этишнинг уддасидан чикдилар. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўшни республикадаги фожиаларга муносабати билан расмий баёнот эълон қилди. Жунбушга келган аҳолини вазминликка чақириш бўйича суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилди. Энг муҳими – республика ҳудудига паноҳ истаб келган 100 мингдан ортиқ қочкин қабул қилинди ва улар деярли бир ой мобайнида Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Туркменистонга сафари чоғида ўзбек халқи ушбу воқеаларга “қалбимизда оғир жароҳат қолдирган миллий фожеа” сифатида муносабатда бўлганини таъкидлади<sup>54</sup>.

Тўғри, оғир жароҳатларнинг бутун фожеали микёсларини тасаввур қилиш қийин, бу Биринчи юртбошимизнинг икки оғиз жумласида акс этмоқда, бироқ ҳар қандай фожеа, юз берган офат тегишли чорасиз қолмаслиги ҳам керак. БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағиш-

---

<sup>54</sup> www.uz.uz

ланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган маърузасида Ўзбекистон раҳбари қатъиятли ва адолатли инсон сифатидаги ўз талабини ўртага қўйди. У жаҳон ҳамжамиятидан Ўш воқеалари билан боғлиқ жиноятчиларни аниқлаш ва жазога тортиш учун мустақил халқаро текширув ташкил этишни талаб қилди<sup>55</sup>.

Халқаро тадбирлар доирасида Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари ҳамда ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимоячилари унинг мазкур ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Шундан келиб чиққан ҳолда ЕХХТ (ОБСЕ) раисининг ўринбосари, Финляндия парламентининг аъзоси Киммо Кильюнен бошчилигидаги мустақил халқаро комиссияга мандат берилишида мамлакатимиз ҳам маълум ҳисса қўшган, дейишга асос бор. Комиссия мазкур фожеали воқеаларни бевосита ўрганиб, ўз хулосаларини халқаро жамоатчиликка тақдим этди. Қирғизистон парламенти эса К.Кильюненни кейинчалик “персона нон грата” сифатида эълон қилди.

Биргина Ўш воқеалари юзасидан қилинган чиқишларнинг ўзида давлатимиз Биринчи раҳбари тийнатидаги сабрлилик, вазминлик-босиқлик ва, табиий, қатъиятлилик туйғулари яққол кўзга ташландики, уларнинг бари халқимизнинг руҳи-менталитетининг иродаси дея баҳоланиши мумкин.

Халқаро эксперт ва сиёсатчилар томонидан давлатимизнинг, хусусан, унинг Биринчи раҳбари И.Каримовнинг минтақада тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги сайъ-ҳаракатлари юксак баҳоланганлигидан мазкур омиллар алоҳида аҳамият касб этганига шак-шубҳа йўқ<sup>56</sup>.

Ушбу сайъ-ҳаракатларнинг натижаларидан бири Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ортиши бўлса, келиб чиққан хулоса – бундан кейин минтақада қонли фожиалар содир бўлмаслиги учун ҳам минтақавий интеграциянинг, Ўрта Осиё

---

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 45-б.

<sup>56</sup> Қаранг: Ўзбекистон: инсонпарварликнинг юксак намунаси. – Т.: Турон Иқбол, 2010. Отчёт Международной комиссии по исследованию событий на Юге Кыргызстана в июне 2010-года.

давлатларининг бирлашиши ҳаётий зарурат эканлиги маълум бўлди.

Биргина Андижон воқеалари чет эл оммавий ахборот воситаларида ноҳолислик муаммоси юзасидан тегишли хулосалар чиқариш имконини беради. Бошқача айтганда, халқаро медиамаконда Ватанимизга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган ҳар қандай таҳдидлар, ташқи ахборот хуружлари ёки ахборий таъсир ўтказишга бўладиган уринишлардан кўз юмиш эмас, аксинча бу каби уринишларга аввалдан тайёр турмоқ керак.

Учраётган айрим иллатларнинг туб илдизини, аниқроғи, ахборот тарқатиш манбаларини қўпориб ташлаш хусусида Ўзбекистон Президенти шундай ёзади: “Биз фақат терроризмнинг ташқи кўринишларига, бегуноҳ одамларни отадиган, портлатадиган ва ўлдирадиган кимсаларга қарши курашиш билангина бу офатни бартараф этиб бўлмаслигини бир неча бор таъкидлаганмиз. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, авваламбор, ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркор. Яъни, ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафқурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг биринчи навбатда ёшлар онгини захарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвеер ташкил этаётган, халифалик тузишда турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кишиларнинг илдизини қиркиб ташлаш керак”<sup>57</sup>. Кўриниб турибдики, терроризм ва диний ақидапарастлик айнан ахборот воситасида тарқатилади.

Ахборот воситасида амалга ошириладиган ҳар қандай қўпоровчилик, хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий, хоҳ ҳарбий ё мафқуравий бўлсин – улар давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатади, ислоҳотлар жараёнини сустрлаштиради. Улкан миқдордаги иқтисодий зарар келтиради, давлатлар ўртасидаги муносабатларни салбий тарафга ўзгартиради, миллатлар, диний-

---

<sup>57</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Олий мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.

этник гуруҳлар орасидаги зиддиятни кескинлаштириб, келиштириб бўлмайдиган даражага келтиради. Бу турли миллат, элат, диний конфессия, мазҳаб ва йўналишларга мансуб бўлган, турли дунёқарашу тафаккур вакиллари яшайдиган Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон давлати учун ниҳоятда хавфлидир.

Назарий жиҳатдан олиб қараганда давлатнинг халқаро жамоатчилик билан алоқаларини кучайтириш ва уларни ривожлантириш орқали мамлакат нуфузини янада орттириш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа тегишли идоралар чет эл фуқаролари, қолаверса, ҳар бир хорижий давлат аудиторияси билан ишлашга янада кенгроқ эътибор қаратиши керак.

Хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналар томонидан маҳаллий экспертлар, ишбилармон доиралар, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари билан олиб борилаётган ишлар кучайтирилиши лозим.

Соҳа мутахассислари ишлаб чиққан юқоридаги назарий қоидалар ва сиёсий усуллар, шубҳасиз, ўз самарасини беради. Шу сабабдан қатор хорижий давлатларда амалда синаб кўрилган ахборий ва сиёсий технологияларни мамлакатимиз имижини ривожлантириш жараёнида ҳам қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

Замонавий шароитда, айниқса ёш мустақил давлатга раҳбарлик қилиш ниҳоятда улкан ижтимоий-сиёсий, интеллектуал, стратегик салоҳиятни, инсоний донишмандликни, ғоятда нозик ва қалтис шароитларда фавқулодда уддабуронликни тақозо этадики, мазкур хусусиятларнинг барчаси мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов тимсолида, шахсида мужассам кўринади.

Адабиётшунос олим Ш.Ризаев таъкидлаганидек, “биз билан – ўзбеклар, ўзбекистонликлар билан ҳисоблашмай, беписанд гаплашиб бўлмайди. Камина бунини Юртбошимизнинг СССРнинг биринчи ва охириги Президенти М.Горбачёвдан то Россиянинг ҳозирги раҳбарларигача, Грузиянинг собиқ Президенти Н.Саакашвилидан то Украинанинг ҳозирги Президенти П.Порошенкогача эслатиб, даккилантириб турганида сезгандек, кўргандек бўламан. Жайдарича айтганда, “ким бўлсанг ҳам,

ўпкангни босиб ол, барака топкур, деган учирма ибораларида ўша фикрни уққандай бўламан”<sup>58</sup>.

Маълумки, 2005 йил 13 майга ўтар кечаси Андижон шаҳрида содир этилган мудҳиш воқеалар нафақат ўзбекистонликлар, балки жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солди. Аммо бу воқеаларни барча чет эл газеталари ҳамда телеканаллари холислик билан ёритди, деб бўлмайди. Шу сабабдан Биринчи Президент И.Каримовнинг Андижон воқеалари бўйича миллий хорижий ОАВга берган интервьюлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

2005 йилнинг 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов Бош прокуратурада мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманида ушбу масала юзасидан ўз фикрларини атрофлича баён этган эди.

Президентимиз нутқ сўзлар экан, чет эл оммавий ахборот воситаларини танқид остига олиб, “айрим ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари – мен тушунаман, улар буюртма асосида ишлайди – ҳатто дастлабки тергов натижаларини кутмасдан ҳозирнинг ўзидаёқ ҳеч қандай асосга эга бўлмаган уйдирма ва бўҳтонларни тарқатиш билан машғул”, деган эди. Бу борадаги фикрини давом эттириб, Биринчи Президент И.Каримов айрим хорижий ОАВ номларини алоҳида қайд этиб ўтди: “Шахсан менинг, масалан, Рейтер агентлигига, Би-Би-Си, Си-Эн-Эн, “Немис тўлкини” ва умуман Германия оммавий ахборот воситаларига ҳеч қандай эътирозим йўқ. Балки мен уларнинг нуктаи назари ва қарашларига қўшилмасман, лекин уларга нисбатан эътироз билдирмайман. Асосий ахборотлари аниқ далиллар ва жиддий фикрларга асослангани учун мен уларнинг нуктаи назарини ҳурмат қиламан. “Синьхуа” агентлиги, Жанубий Корея ва араб мамлакатлари оммавий ахборот воситалари, бошқа электрон ҳамда босма нашрларни ҳам шулар жумласидан деб биламан. Мен Ўзбекистонда бўлаётган барча воқеалар Қоҳира


---

<sup>58</sup> “Ўзбекистонни камситишга йўл бермаслик – асосий вазифамиз”/ Жаҳон адабиёти. 2015 йил, 4-сон. 4-б.

газеталари саҳифаларида одатда ўта холислик билан баҳоланишини биламан”<sup>59</sup>.

Давлатимиз Биринчи раҳбари Андижон воқеаларига доир кўплаб ахборотлар билан бевосита танишиб чиққанлигини таъкидлар экан, шундай деди: “Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари вазиятни диққат билан кузатиб, воқеаларга тўғри баҳо бермоқда. Мен фақат айрим оммавий ахборот воситалари ҳақида гапиряпман. Лекин, менда уларнинг барчаси ҳақида етарли фикр шаклланди ва уни асослаб бера оламан. Япония ёки Туркия оммавий ахборот воситалари бизга алоҳида меҳр билан қарайди деб айтолмайман, аммо улар Ўзбекистондаги сўнгги воқеаларни вазминлик ва холислик билан ёритаётганини таъкидлаб ўтишим жоиз. Лекин, Россия телеканаллари ҳақида бундай дея олмайман. Бу ҳақда кўп гапирмасдан иккита мисол келтираман. Кеча РенТВ канали орқали берилган “24 соат” кўрсатувини кўрдим. Бугун эса бир неча соат илгари НТВ каналининг Андижон воқеалари ҳақида тарқатган янги уйдирмаларини эшитдим. Бу мени шу қадар ларзага солдики, охири мана шу залга келиб, сизларнинг олдингизда яна чиқиш қилишга мажбур бўлдим”, деган эди.

Келтирилган сўзлар Республикамиз Биринчи раҳбарининг турли ниятдаги хорижий мухбирлар билан очикчасига гаплаша олиши, нуқтаи назарини аниқ ва лўнда ифодалай билиши, ҳар қандай шароитда ҳам ўз Ватани ва халқи шаъни учун курашишга тайёрлиги, кези келганда эса принципиал танқидий позицияни эгаллашдан чўчимаслигига далил бўлади.

 Давлатга етакчилик фаолияти ҳақида сўз юритган мутахассисларнинг фикрича, “Етакчи муайян гуруҳ манфаатларини белгилайдиган (етакчиликнинг мафкуравий вазифаси) ва уларни амалга ошириш учун замин яратадиган (ташкилий вазифаси) гуруҳ манфаатларининг вакили сифатида намоён бўлади. Й.Шумпетернинг ёзишича, “гарчи гуруҳ интилишлари кучли ва

---

<sup>59</sup> Ҳақиқат – журналистиканинг доимий, ўзгармас қондаси ва унга амал қилиш шарт. 2005 йил 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. // Халқ сўзи. 2005 йил 18 май.

аниқ бўлса-да, бирон бир сиёсий етакчи уларни фаолиятга даъват этмагунча ўн йиллар давомида ҳам ўзларини намоён қилмай қолишлари мумкин<sup>60</sup>. Ж.Блондель эса “сиёсий етакчиликни, айниқса, умуммиллий етакчиликни бир ёки бир неча индивид томонидан миллат аъзоларини ҳаракатга ундаш мақсадида амалга оширилаётган ҳокимият белгилайди<sup>61</sup>”, деган хулосага келади.

Қайд этиш керак, етакчи фаолиятининг самарадорлиги бир томондан муҳитга, шарт-шароитга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан айтиш мумкин, муҳит ва шарт-шароит билан чиқишолмаслик, келишолмаслик оқибатида кўпроқ намоён бўлади. Бу мулоҳазани тасдиқловчи ҳаётий далилларни Ислом Каримов таржимаи ҳолидан кўшлаб келтириш мумкин.

1989 йилнинг июнь ойи. Тўсатдан Қашқадарё вилоят раҳбари лавозимида ишлаб турган И.Каримов Москвага – Сиёсий бюро мажлисига чақирилади. “Лигачёв кутилмаганда менга ташланишни бошлади. Умуман, муҳокама оҳанги нафақат танқидий, балки, бу ҳам мен учун кутилмаган бир ҳол эди. Беписандлик, ҳатто, ҳурматсизлик тусини ола бошлади. Шунда мен Горбачёвга қарата: “Михаил Сергеевич! Менинг номзодимни олиб ташланг. ...Менинг кетишимга ижозат беринг”, дедим.

Кремль кошоналари шўро измига ўтганидан буён бундай “шаккоклик”ни кўрмаганди. Ўз даврида КПСС МК Бюросининг котиби лавозимини эгаллаб турган, Россия Фанлар академияси академиги А.Н.Яковлев ёзганидек, “ҳаммамиз, барча номенклатура ходимлари тилда бир нарсани гапириб, дилда эса бошқа нарса ҳақида ўйлайдиган<sup>62</sup>” пайт эди. Ислом Каримов эса очикдан-очик беписандлик ва ҳурматсизликка жавобан дилидагини тилига кўчиришга журъат этди. Ваҳоланки, “Менинг ортимда ҳеч қачон қувватлайдиган одам бўлмаган, фақат ўзимга, ўз кучим ва қобилятимга ишонишим мумкин эди” деб ёзганди И.Каримов.

---

<sup>60</sup> Шумпетер Й. Капитализм, социализм и демократия. – М.: 1995. – С.357

<sup>61</sup> Блондель Ж. Политическое лидерство. – М.: Прогресс, 1992. – С.70

<sup>62</sup> Яковлев А. Сўз боши ўрнида. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида.– Т.: “Ўзбекистон”, 2001. 7-б.



Ана шу лавҳа бўлгуси раҳбар шахс характерининг бир кўриниши эди. Ҳалокат ёқасига келиб қолган “мамлакатни балоқазолардан сақлаб қоладиган киши сифатида”<sup>63</sup> аини шундай қатъиятли раҳбарга эҳтиёж туғилган эди. Зеро, “Тарихнинг шундай бурилиш лаҳзаларида харизматик етакчига, фавқуллода фазилатларга эга шахсга бўлган эҳтиёж ҳаддан зиёд кучаяди”<sup>64</sup>.

Кўринадики, Мустақил Ўзбекистон давлати Биринчи раҳбарининг шахси, шахсиятига хос хусусиятлар юксак лавозимдаги фаолиятнинг дастлабки қадамларидаёқ, керак бўлса, ундан илгарироқ ҳам кўзга ташлангани тарихий факт сифатида халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Бу мавзуда сўз очилар экан, Ф.Бурлацкийнинг юқорида тилга олинган мақоласига алоҳида муурожаат қилиш зарурати туғилади. “Авваламбор, – деб ўқиймиз мақолани, – у билимдон, интеллектуал даражаси юқори инсон”<sup>65</sup>. Муаллиф бирон дақиқа мазкур ҳақиқатни ёдидан чиқармайди, ким билан, қандай инсон ва қандай раҳбар билан суҳбатлашаётганини дилида сақлайди. Собиқ Иттифоқ тарқаб кетмасидан бурунги шароитда аксарият раҳбар ходимлар амалдаги ҳокимият ва ҳукмронлик йўриғидан заррача оғишни ҳаёлига ҳам кетирмасиди. Ислоом Каримов эса данғалига, “Мен партия мактабида ўқимаганман” деди. “Бу гапи билан у онги мафқуравий ақидалар билан заҳарланмаганини таъкидлаган эди”. “Шу билан бирга Ислоом Каримов – ғоят миллатпарвар раҳбар... Ундаги ўзига хос ғурур. Орият ва арбоблик салоҳияти, шу билан бирга, метин ирода ва қатъий феъл-атвор Ислоом Каримов ва унинг фаолияти билан яқин танишувда яққол кўзга ташланади”<sup>66</sup>.

Таниқли олим ва ёзувчи Нарзулла Жўраев давлат раҳбари сиймосига таъриф берар экан шундай ёзади: “сиёсий ҳаёт салтанат соҳибининг ички дунёси, маънавий ва ахлоқий бойли-

---

<sup>63</sup> Ўша манба.37-б.

<sup>64</sup> Ўша манба. 38-б.

<sup>65</sup> Бурлацкий Ф. Мустақиллик ва ислохотларнинг ўн йили. // Независимая газета. 2001 йил 11 сентябрь.

<sup>66</sup> Шу манба.

гидан тортиб, билими ва дунёқарашигача, жаҳон сиёсатининг боришини нечоғлик чуқур ва ўта зийраклик билан кузатиб, унинг мохиятини тўғри тушунишдан тортиб ўз мамлакати эҳтиёжи ва фуқаролари талабларидан келиб чикиб, чуқур бошқарув аппаратини вужудга келтиришгача бўлган кенг миқёсли, ўта мураккаб жараёнди<sup>67</sup>.

И.Каримов 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги муносабати билан хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловларда<sup>68</sup>, хусусан, Ўзбекистон раҳбари номига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпиндан келган қутловда Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлиги юксалиб, халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи муттасил ошиб бораётгани таъкидланган. Ўзбекистон давлат қурилишининг барча соҳаларида бундан буён ҳам янги ва янада улкан муваффақиятларга эришишига ишонч билдирилган. Шунингдек, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ислом Каримовни сайловда ишончли ғалаба қозонгани билан самимий қутлар экан, унинг мамлакатда юксак обрў-эътиборга эга эканини тўлиқ тасдиқлашини қайд этади. Бу, шубҳасиз, Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги хизматларининг, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал этишда эришаётган ютуқларининг кенг эътирофидан далолатдир.

Америкалик сиёсатшунос Маргарет Ҳерман етакчилик мохиятини чуқурроқ таҳлил қилиш имконини берадиган кўрсаткичларга эътибор қаратади: 1) етакчининг асосий сиёсий маслаклари; 2) етакчининг сиёсий услуги; 3) босим ва стрессга муносабат; 4) етакчининг биринчи бор раҳбар бўлишига туртки

---

<sup>67</sup> Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар. Сиёсий эссе.– Т.: “Ёзувчи”, 1988. 272- б.

<sup>68</sup> Elektron manba: Islom Karimov O'zbekiston Respublikasi Prezidenti etib saylangani munosabati bilan qutlovlar. 03.04.2015. <http://www.press-service.uz/uz/news/5098/>

бўлган шарт-шароит; 5) етакчининг аввалги сиёсий тажрибаси; 6) етакчи сиёсий фаолиятини бошлаган муҳит<sup>69</sup>.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Биринчи Президент ўз чиқишларида миллий анъаналаримиз, бугунги ривожланиш ва тараққиёт даври, у билан боғлиқ долзарб муаммолар, мўлжалланган стратегик режалар, минтақавий ва халқаро сиёсат, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳамда мавқеи каби муҳим масалаларни атрофлича ёритиб берди.

Алоҳида қайд этиш керакки, Биринчи Президентимизнинг хорижий мамлакатларга расмий ва давлат ташрифлари чоғида ана шу давлат ҳудудида фаолият олиб бораётган марказий ОАВда Ўзбекистон ҳақида қатор материаллар берилар эди. Булар, биринчидан, ана шу ташриф учун инфор­мацион фон ҳисобланса (яъни, ташриф чоғидаги тантанали кутиб олиш ва қабул маросимлари, расмий учрашувлар, икки томонлама ва кўп томонлама музока­ралар, сим­позуимлар ҳақидаги хабарлар, мақо­лалар, теле-радио репортажлар), иккинчидан мазкур материаллар орқали мамлакатимиз ҳаёти билан боғлиқ турли янгиликлар, хусусан, эришилаётган оламшумул ютуқларимиз тўғрисида батафсил маълумотлар тарқатилар эди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонни хорижий мамлакатлар жамоатчилигигига яқиндан таништирди, қолаверса, давлатимизнинг халқаро медиамакондаги нуфузини оширди.

2002 йил 28-31 июль кунлари И.Каримовнинг Японияга қилган расмий ташрифига бағишлаб “The Japan Times” газетасида махсус саҳифа чоп этилди. Ташрифнинг биринчи куниёқ кунчиқар мамлакатдаги энг йирик “NHK” теле­канал­и учун Биринчи Президентимизнинг эксклюзив интервьюси ташкил қилинди ва мазкур суҳбат шу куннинг ўзида эфирга узатилди. Унда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик алоқаларининг ўша даврдаги ҳолати, келажаги, шунингдек, мамлакатимизнинг Ўрта Осиё минтақасида тутган ўрни ҳақида сўз борди. Интервью япониялик

---

<sup>69</sup> Эл манба: <http://www.maxwell.syr.edu/hermann/>

телетомошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Мустақил давлат имижини яратиш, шакллантириш ва ривожлантиришда тарихий шахснинг ўрни, аҳамияти ҳақида сўз юритилар экан, албатта, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг нуфузли халқаро минбарлардан туриб сўзлаган нутқлари, миллий ва хорижий ОАВ вакиллари билан учрашувлари, интервьюларини ўрганиш, тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

2015 йил 8 май куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган МДХ норасмий саммити хорижий ОАВ диққат марказида бўлди. Очигини айтиш керак, халқаро мутахассислар, шарҳловчилар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг нутқиغا алоҳида эътибор қаратдилар. Саммит иштирокчилари Иккинчи жаҳон уруши, унда эришилган ғалаба, аччиқ хотиралар юзасидан ўз мулоҳазалари, қарашларини баён этдилар. Ислом Каримов халқаро миқёсдаги улкан давлат арбоби, доно ва зукко сиёсатчи, қолаверса, кўпни кўрган донишманд инсон сифатида билдирган қарашлари ўзининг чуқурлиги, теранлиги ва принципиаллиги билан яққол ажралиб турди. Айрим иштирокчиларга нисбатан билдирган кескин мулоҳазаларидаги очиқлик ва самимият давлатимиз раҳбарига бўлган ҳурмат-эътиборни янада орттирди. Мисол келтирадиган бўлсак, “Немис тўлкини” давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабада бир давлатдан иккинчи давлатни устун қўйиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрига алоҳида урғу бериб, унинг бу борада Қирғизистон раҳбари А.Атамбаевга берган қатъий жавобини келтириб ўтади<sup>70</sup>.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ҳар қандай вазиятда вазмин, жиддий ва асосли фикр юритиб, хусусан, МДХ раҳбарлари олдида ўз қарашлари ва позициясига эга бўлганлигини яна бир бор исботлаган эди. Ушбу саммит чоғида тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатишга ёки уни унутишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлигини

---

<sup>70</sup> Президенты Узбекистана и Кыргызстана повздорили на саммите в Москве. 15 мая 2015 г. inozpress.kg

таъкидлаган И.Каримов сўзларига дунё медиа-макони етакчиларидан бири ҳисобланган “Рейтер” ахборот агентлиги ҳам эътибор қаратди<sup>71</sup>. Хусусан, агентлик унинг “дўстимиз Атамбаев Алмаз унитишга ҳаракат қилганликда кимнидир айблаётганга ўхшайди, бундай ноўрин айблов эса яхшиликка олиб келмайди”, деган гапига алоҳида урғу берди.

Эътироф этмоқ керакки, юқорида санаб ўтилган воқеаларда Ўзбекистон давлатининг халқаро имижига қанчалик кўтарилган бўлса, бу давлат раҳбари – Биринчи Президент имижидан келиб чиққандир. Лидер-шахс салоҳиятининг давлат салоҳиятига – имижига айланишидир.

Сўзсиз, Биринчи Президент И.Каримовнинг хорижий мухбирлар билан суҳбатларини алоҳида таъкидлаш, алоҳида таҳлил қилиш ўринлидир.

Москвада чоп этиладиган “Независимая газета”нинг шарҳловчиси Виктория Панфилова 2005 йил январь ойида Биринчи юртбошимиздан интервью олган ва ушбу интервью асосида тайёрлаган “Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашарди” (“При империи нас считали людьми второго сорта”) сарлавҳали материали Россиядаги кўп сонли газетхонларнинг эътиборини тортди<sup>72</sup>. Мазкур интервью ўзбекистонлик ўқувчиларнинг ҳам катта қизиқишига сабаб бўлди. Суҳбат ўзбек тилида алоҳида китоб шаклида босмадан чиқарилди<sup>73</sup>.

Мазкур суҳбат Биринчи Президент И.Каримовнинг ташқи имижига нуктаи назардан алоҳида аҳамият касб этади. Мухбир томонидан берилган саволларда қўйилмаган ҳолатларнинг учраши, уларнинг динамикаси ва асосийси, улардаги провокацион руҳнинг сезилиб турганлигини пайқаш қийин эмас. Эътибор берилса, аксарият ҳолатларда хорижий журналистлар

---

<sup>71</sup> Ветеран-президент Ўзбекистана отчитал в Кремле лидера Киргизии. 8 мая 2015 г. reuters.com.

<sup>72</sup> При империи нас считали людьми второго сорта. // Независимая газета, 15 января 2005г.

<sup>73</sup> Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашарди.–Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2005. 64–6.

Биринчи Президентимизга тагдор, кинояли, гўё у кишини қийин аҳволга солишни кўзлагандай саволга тутар эдилар. Давлатимиз Биринчи раҳбари буни жуда нозиклик билан илғаб, бу каби кишибилмас хуружларга тайёр турар эди ва ўша бузуқ ниятли мухбирларни ўзлари кутмаган даражада очиклик, самимийлик ва қатъийлик билан доғда қолдирар эди.

Бир суҳбат ёки бир матбуот конференцияси давомида ҳукм сурган умумий кайфият таҳлил қилинса, характерли хулосалар келиб чиқади. Чунончи, ажнабий матбуот ходимлари “уй”ларида пухта режалаштириб келган шаштидан тушиб, ҳатто И.Каримовга самимий ҳурмат позициясига ўтганлигини кўриш қийин эмас.

Сўз юритилаётган суҳбат ушбу мулоҳазаларга яққол мисол бўла олади.

В.Панфилова биринчи саволдаёқ 2004 йилда Украинада содир бўлган нотинчликлар Ўзбекистонда ҳам такрорланиши мумкинми, деган саволни кўндаланг кўяди. Президент И.Каримов ўзига хос вазминлик билан, жумладан, қуйидагича жавоб қайтаради: “... мен Ўзбекистонда Украина ёки Грузия сценарийси такрорланиши мумкин, деб ўйламайман. Бу ўринда гап менинг давлат раҳбари сифатида бундай ҳолатга қарши эканимда эмас, балки бунда фуқароларнинг ўзи буни истамаслиги муҳимроқ аҳамиятга эга. Нега деганда, улар энди бир пайтлар СССР Олий Совети халқ депутатлари съездларида беписандлик билан “тил-забони йўқ, қиёфасиз кўпчилик”, деб аталган одамлар эмас. Улар бугун ўз мамлакатада, ўз юрти учун, келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятни чуқур ҳис қилиб яшаётган инсонлардир”.

Ўзбекистон раҳбари интервью чоғида мамлакатимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ҳақида вазминлик, қатъийлик ва устуворлик билан атрофлича фикр юритади. Чунончи, республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар тўғрисида тўхталар экан, жумладан, шундай дейди: “Албатта, биз ҳозир демократик давлат куришнинг бошланғич даврини

бошимиздан кечираяпмиз, бу жараён учун муайян вақт керак, лекин бизни шоширувчилар ҳам топилади<sup>74</sup>.

Сухбатда Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан ҳеч қачон қайтмаслиги, у дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини барпо этишдан манфаатдор эканлиги алоҳида қайд этилади.

Дарвоқе, В. Панфилова Ўзбекистон ҳаётига доир ҳолис нуктаи назардан туриб ёзилган мақолалар билан бир қаторда “балансланган”, яъни, кўтарилган масаланинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини очиб берган, баъзан эса танқидий ёки бирёқлама материаллар эълон қилиши билан ҳам ажралиб туради<sup>75</sup>.

У ўзининг “Новое Восточное обозрение” интернет-журнали учун ёзган “Ўзбекистон ва унинг келажаги<sup>76</sup>” сарлавҳали мақоласида сезиларли даражада ҳолис позицияга ўтади ва мамлакатимизнинг геостратегик жойлашуви, унинг сиёсий кучи ва хавфсизлик масалаларини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо беради. Жумладан, Ўзбекистон ўзини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қила олишини эътироф этади.

В.Панфилованинг ўзига хос тил услуби борлигини алоҳида қайд этиш зарур. Муаллиф ортиқча сўз ва бўёқлар ишлатмайди, кўтарилган мавзунини иложи борича қисқа ва лўнда очиб беришга ҳаракат қилади. У кўпроқ соҳа раҳбарлари, оддий мутахассислар ёки таниқли экспертлар фикр-мулоҳазаларига таянади. Мисол учун, давлатимиз Биринчи раҳбарининг республика мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналар чоғидаги нутқида миллий суверенитетимиз ва мустақиллигимизга ҳеч ким

---

<sup>74</sup> Шу манба. 16–б.

<sup>75</sup> Қаранг: Душанбе ждет помощи. ООН и Узбекистан первыми пришли на выручку Таджикистану Виктория Панфилова. 28 мая 2009. “Независимая газета”. Узбекистан останется союзником России еще четыре года. Виктория Панфилова. 15 апреля 2013г. “Независимая газета”.

<sup>76</sup> Эл. источник: Панфилова Виктория, обозреватель "Независимой газеты", специально для интернет-журнала "Новое Восточное Обозрение". 14.09.2014 <http://ru.journal-neo.org/2014/09/14/rus-uzbekistan-i-ego-budushhee/>

раҳна сола олмаслиги ҳақида фикр юритганлигига эътибор қаратади. “Ўзбекистон минтақада нафақат стратегик қулай жойни эгаллайди, балки у юқори даражали иқтисодий салоҳиятга ва тез ўсаётган аҳолига эга” деб ёзади москвалик мухбир. Шу билан бирга мухбир масалага кенгроқ назар ташлар экан, вазиятнинг анча мураккаблигидан, хусусан, экстремистик кучларнинг қўшни Афғонистонга тўпланаётганидан жиддий хавотир билдириб ўтади.

Мухтарам Юртбошимизнинг хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари, мутахассислар, шарҳловчилар билан ўтказган суҳбатлари, берган интервьюлари, юзма-юз учрашувларда сўзлаган нутқ ва фикр алмашишлари таҳлил қилинар экан, сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати ва шу жараёнда шахс ва услуб мавзуси алоҳида аҳамият касб этиши тўғрисида тўхталишга тўғри келади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, И.Каримов ҳар қандай минбардан туриб сўз айтишга алоҳида жиддий тайёргарлик кўрар эди. Тингловчиларнинг ким эканлигидан қатъий назар, кўтарилган масала-мавзу юзасидан атрофлича, батафсил мулоҳазаларини баён этар эди. Бу кўтарилаётган мавзу ва аудиторияга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром белгиси ҳисобланади. Тилга олинаётган мавзунини чуқур билиш ҳаётий мисоллар келтиришга имкон яратади. Мисоллар эса нутқ ё маърузанинг таъсирчанлигини орттиради.

Шунингдек, И.Каримов халқона тил имкониятларидан кенг ва эмин-эркин фойдаланар эди. Ўрни билан халқ мақоллари, нақллари, идеомаларидан самарали фойдаланар эди. Қолаверса, эҳтирос билан гапириш аудитория билан ўртада самимий кайфият ва психологик муҳитни келтириб чиқаради.

“Юртбошимизнинг маърузалари, рисоалари, телевидениедаги чиқишларида, республика ва хориж журналистлари билан мулоқотларида фикрлар равшан, салмоқли, обдон пишитилган, қиёмига етгандир” деб ёзади сиёсатшунос олим Б.Омон<sup>77</sup>.

---

<sup>77</sup> Омон Б. Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати (Президент Ислам Каримов фаолияти мисолида).– Т.: Ўзбекистон, 2000. 13-б.



Кўшимча тариқасида айтадиган бўлсак, Ислоҳ Каримов ҳам давлат раҳбари сифатида, ҳам улкан ҳаётий тажриба орттирган инсон сифатида ҳам ҳар қандай ҳолатда фикр алмашишга, баҳслашишга тайёрлиги билан ажралиб турар эди.

Мисол учун, 2005 йилнинг 14 май куни Андижон воқеалари муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманида давлатимиз раҳбарининг сиёсий етакчи сифатидаги нотиклик маҳорати ҳар жиҳатдан намоён бўлди. Анжуманда иштирок этган жаҳонга машҳур “Франс-пресс”, “Рейтер” ахборот агентликлари, Россиянинг 1-телеканалли, немис газетаси, “Ле суар” (Бельгия) газетаси, “Би-Би-Си” мухбирлари ҳамда маҳаллий журналистларнинг ҳар қандай қалтис саволларига Президент ўз услубига хос атрофлича, изчил жавоб ва ноаниқликларга ойдинлик киритди. Мазкур тадбир ҳам Биринчи Президентимизнинг халқаро ахборот майдонидаги обрў-эътиборини – имижини янада мустаҳкамлади.

Умуман олганда, юқоридаги каби интервьюларда Ўзбекистонда қурилаётган ҳуқуқий демократик давлат хусусиятлари, демократия ва халқ руҳияти, демократик тамойиллар ривожини, маданиятлар ва цивилизациялар синтезини, фуқаролик жамияти тизимини шакллантириш йўллари, миллий мафкура зарурати ва унинг негизлари, миллий кадрларни тиклаш, неча минг йиллик тарихимизни ўрганишнинг концептуал масалалари акс этган.

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнига жуда кўплаб хорижий ОАВ вакиллари бевосита гувоҳ бўлишди. Натижада, орадан чорак аср вақт ўтиб, жаҳон медиамаконида Ўзбекистон билан боғлиқ маълумотлар ҳажми бир неча баробарга ошди.

Дарҳақиқат, Президент И.Каримов мустақилликнинг илк йиллариданоқ ўз маърузаларида, интервью ва чиқишларида хорижий мамлакатларнинг нуфузли газета ва журналлари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга берилаётган баҳоларга катта эътибор қаратади. Бу эса, ўз ўрнида, жаҳон медиамаконидаги ана шундай эътирофларнинг мамлакат учун ниҳоятда муҳим сиёсий аҳамияти борлигидан далолатдир. Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилар-

монлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган И.Каримов 2015 йил 17 март куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашар экан, Британиянинг “Economist” журнали Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига юқори баҳо берганлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ушбу журнал эътирофига кўра, жаҳондаги 140 та йирик шаҳар ичида Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги бўйича дунёда 58-ўринни эгаллайди. Бу эса ижобий, фахрли кўрсаткичдир, дея қайд этади давалатимиз раҳбари<sup>78</sup>.

Мана шундай эътибор ўз-ўзидан топилгани, қўлга киритилгани йўқ. Биринчи Президент томонидан мисқоллаб йиғилган обрў-эътибор Ватанимиз ва халқимизга бўлган обрў-эътиборни мустаҳкамлаб борди. Илмий тилда бу жараён эволюцион ривожланиш деб номланмоқда.

Умуман, мамлакат имижи давлат раҳбарининг имижи билан бевосита боғлиқ бўлгани каби давлат раҳбарининг ўзига хос фазилатлари, хусусиятлари, жумладан мулоқот услублари ўз халқи ва миллатига мансуб унсурларни ўзида мужассамлаштиради. Шу маънода давлат раҳбарининг халқ анъаналари ва унинг миллий хусусиятларига таяниши тўғрисида хорижлик олимлар томонидан билдирилган фикрларни келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, Москва давлат университетининг ректори В. Садовничий Қозоғистон Президенти ҳақида ёзар экан, Н.Назарбоевнинг инсоний ҳамда сиёсий интилишлари ва қолаверса, характерининг айнан қозоқ халқи руҳиятидан келиб чиққанлигига эътибор қаратади<sup>79</sup>.

---

<sup>78</sup> “Saylov – 2015”, “O‘zbekiston” телеканали, 2015 йил 27 март, кечки дастур - 20.00.

<sup>79</sup> Назарбаев Н.А. Когда мысль – материальна / Вступит.слово В.А. Садовничего, С.Саксенy. – М.: Худож. лит., 2012. – 312 с.: ил. Стр. – 4.

Америкалик сиёсатшунос Виржил Руний Жанубий Африка Республикасининг собиқ президенти Нельсон Манделага хос хусусиятлар ҳақида тўхталар экан<sup>80</sup>, қора танли оддий халқ орасидан чиқиб, дунёдаги энг машҳур давлат раҳбарлари каторидан ўрин олишига сабаб бўлган унинг 5та характерли жиҳатини санаб ўтади. Булар: юмор ҳиссига эга бўлиш, кечиримлилик, ўзига ишониш, камтарлик ва қатъийлик.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Вячеслав Аваков шундай хотирлайди<sup>81</sup>:

– Нидерландия сафарида маҳаллий ишбилармонлар билан учрашдик. Учрашув чоғида тадбиркорлардан бири: “Биласизми, бу ерга сиз билан учрашишга келишдан аввал харитадан сизнинг мамлакатингизни узоқ изладим ва топа олмадим” деб қолди. Ислом Каримов бундай вазиятдан шундай усталик билан чиқдики, қойил қолмасликнинг иложи йўқ. “Умуман олганда Ўзбекистонни билмаслигингиз ва харитадан топа олмаганингиз ажабланарли эмас албатта. Ҳолбуки, Ўзбекистон – бу беш-олтита Нидерландия дегани” – деди Каримов. Ҳаммининг юзига табассум югурди.

Британиялик тарихчи сэр Рой Стронг давлат раҳбарининг шахсий характери мамлакат фуқароларининг умумлашма образига жуда яқин эканлигини қайд этади. Шу маънода у Қиролича Елизавета II ни инглизларга хос бўлган вазмин, тортинчоқ, самимий ва совуққон табиатга эга эканлиги, лекин шу билан бирга, кескин қарор қабул қила оладиган, бошқаларга тақлид қилмайдиган шахс сифатида таърифлайди<sup>82</sup>.

Германиялик олим Макс Вебер ўзининг “Харизматик хукмронлик” асарида раҳбарлик турларини етакчининг шахсий сифатлари, амалиётдаги турли вазиятлар асосида тасниф этади. У давлат раҳбари, етакчи ва лидерларни учта асосий хусусиятга

---

<sup>80</sup> Эл.источник: Loones V. 5 Character Traits That Made Nelson Mandela an Effective Leader. // <http://corneralliance.com/5-character-traits-that-made-nelson-mandela-an-effective-leader/>

<sup>81</sup> Воспоминания Вячеслава Авакова. <http://fondkarimov.uz/news/vospominaniya-vyacheslava-avakova-2/>

<sup>82</sup> Эл.источник: Европа сегодня. 10 фактов о характере королевы Англии. // <http://europe-today.ru/2012/05/10-faktov-o-xaraktere-korolevy-anglii/>

кўра ажратади: 1) Анъанавийлик; 2) Харизматиклик ; 3) Оқилона-легаллик<sup>83</sup>.

Немис олими тасниф белгиси сифатида “мавқе” тушунчасини илгари суради. У мазкур тушунча негизда “кишиларнинг маълум гуруҳлари буйруқларга сўзсиз бўйсундилар” деган фикрни олиб чиқади. Шунингдек, М.Вебер буйруқ бериш, унинг бажарилишини кутиш ва назорат қилишни ҳокимият турли қатламларининг кундалик вазифаси, деб ҳисоблайди.

Юқорида келтирилган мисоллар ва назарий тушунчаларга таянган ҳолда давлат раҳбари сифатида И.Каримовнинг хорижлик мутахассислар ва ОАВ вакиллари билан ўтказган мулоқотлари асосида унинг харизмаси, имижига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада катта ва ибратли хулосаларга келиш мумкин. И.Каримовнинг ҳар қандай ҳолатдаги қатъияти, очиқлиги, юзма-юз келишдан чўчимаслиги, баҳсга тайёрлиги, ишонтира билиш лаёқати сингари хусусиятлари унинг бошқа давлат раҳбарларидан яққол ажралиб туришидан жонли далолат эди.

... Ҳаётнинг аччиқ ва мутлақ ҳақиқати олдида инсон ожиз. Ушбу азалий ва боқий ҳақиқат 2016 йилнинг 2 сентябрь куни яна бир бор ўз қора чодирини юртимиз узра ёйди – халқимизнинг асл фарзанди, тарихий мустақилликка эришган Ватанимиз истиқлолнинг энг мураккаб босқичида Дарғалик миссиясини ўз зиммасига олган Ислом Абдуғани ўғли Каримов фоний дунёдан боқий дунё сари сафарни ихтиёр этди.

Халқимиз, дунё ҳамжамияти бу айрилиқни ўз шахсий мотами деб билди, оммавий ахборот воситаларининг барча анъанавий ва замонавий турлари орқали ҳамдарадлик изҳорлари дарё бўлиб оқди. “Ўзбекистоннинг Биринчи Президентининг бевақт вафоти ҳаммамиз учун улкан қайғудир. Бундай ноёб шахслар қайси даврда яшамасинлар ўзларидан кейин ўчмас из қолдирадилар<sup>84</sup>” деб ўз изтиробларини баён этди Бақулев номидаги юрак-томир жарроҳлиги илмий маркази директори,

---

<sup>83</sup> Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990. – С. 130.

<sup>84</sup> Лео Бокерия о смерти Каримова. [podrobno.uz/cat/obchestvo/leo-bokeriya-o-smerti-karimova-kogda-ya-priletel-v-tashkent-uzhe-nichego-nelzya-bylo-sdelat/](http://podrobno.uz/cat/obchestvo/leo-bokeriya-o-smerti-karimova-kogda-ya-priletel-v-tashkent-uzhe-nichego-nelzya-bylo-sdelat/)

Россия тиббиёт фанлари академияси академиги, дунёга машхур мутахассис олим Лео Бакерия.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида Шавкат Миромонович Мирзиёев шундай деди: – “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк Йўлбошчимиз, кадрли Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва чорак аср мобайнида самарали амалга ошириб келинган давлатимизнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ҳамда демократик ислохотларни жорий этиш борасидаги изчил мустақил тараққиёт йўлини давом эттиришни шу даврда ўзимнинг энг асосий вазифам деб биламан”<sup>85</sup>.

Ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти хотираси ва меросини абадийлаштириш мақсадида қуйидаги норматив ҳужжатлар қабул қилинганлиги катта аҳамият касб этади<sup>86</sup>:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2929-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» 2017 йил 25 январдаги ПҚ-2744-сон қарори) ги 417-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти

---

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. [uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-bosh-vaziri-shavkat-miromonovich-mirzi-08-09-2016](http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-bosh-vaziri-shavkat-miromonovich-mirzi-08-09-2016)

<sup>86</sup> Норматив ҳужжатлар. [islamkarimov.uz/uzc/page/regulations](http://islamkarimov.uz/uzc/page/regulations)

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори.

Замонлар ўтади, ҳаёт муттасил олға интилади – авлодлар кетидан авлодлар алмашинуви асло тўхташ билмайди, лекин Юртига, Халкига ҳаётини, мақсад-маслагини бахшида қилган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди. НОЁБ ШАХСнинг излари ўчмайди, ЎЧМАС ИЗлигича тарих саҳифаларида, авлодлар қалби-хотирасида сақланади.

Ислом Каримов шахси ҳақидаги хотиралар, тафсилотларга бой ва битмас-туганмас мулоҳазалар нафақат Ўзбекистон, Марказий Осиё, балки бутун жаҳонда кечган ва кечаётган жараёнларга тутшиб кетади. Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сиймосини глобал дунёнинг марказий фигураларидан бири сифатида хотирлаш давом этади!..

## ГЛОССАРИЙ

<b>Ахборот</b>	– мавжуд ҳолат тўғрисида маълумот берувчи хабарлар
<b>Ахборот хуружи</b>	– ракиб устидан ахборот ҳукмронлигига эришиш ва шунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошқача зарар етказиш учун давлатнинг ҳарбий кучлари, ҳукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ва операциялар мажмуасидир
<b>Барқарорлик</b>	– сиёсий, иқтисодий, ижтимоий манфаатларнинг турғун мувозанати натижаси
<b>БМТ</b>	– Бирлашган Миллатлар ташкилоти
<b>Геосиёсат</b>	– (геополитика) давлатларнинг ўз ташқи сиёсатларини маълум бир ҳудуд жойлашган ернинг табиий-географик ўрнини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишларидир
<b>Давлат арбоби</b>	– давлат ҳукуматининг сиёсий арбоби
<b>Имиж</b>	– лотин (image) тилидан олинган бўлиб, сиймо, тимсол, қиёфа, образ маъноларини англатади
<b>ОАВ</b>	– оммавий ахборот воситалари
<b>ЮНЕСКО</b>	– Таълим, фан ва маданият бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
<b>НАТО</b>	– Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти
<b>МДҲ</b>	– Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

<b>Мандат</b>	– (лотин. <i>mandatum</i> – топширик) – хуқуқ, ваколатни тасдиқловчи хужжат
<b>Мафкура</b>	– (араб. фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад – муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими».
<b>Медиа</b>	– оммавий ахборот (коммуникация) воситалари
<b>Медиа имиж</b>	– оммавий ахборот воситалари орқали яратиладиган имиж, қиёфа
<b>Медиа макон</b>	– электрон оммавий коммуникациялар воситасида шаклланадиган ахборот майдони
<b>Миллий манфаат</b>	– ҳар бир миллатнинг ўз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий эҳтиёжлари, уларни таъминлаш учун интилиш шакли (усули)дир
<b>Сиёсий иқлим</b>	– Сиёсат олами иштирокчилари фаолияти, ўзаро муносабатлари натижасида ҳосил бўладиган маълум бир ҳолат
<b>Сиёсий портрет</b>	– етакчининг мавқеи, салоҳияти ва сиёсий таъсир кучи инъикосидир
<b>Тарихий шахс</b>	– ўз фаолияти давомида йирик тарихий воқеалар билан боғлиқ жараёнларга таъсир этган шахс
<b>Хорижий аудитория</b>	– чет мамлакатларнинг ОАВдан фойдаланувчи аҳолиси
<b>Феномен</b>	– ўзига хос бетакрор, етакчи ўринга эга бўлган шахс ёки ҳодиса
<b>PR технология</b>	– жамоатчилик билан алоқалар борасида олдиндан ишлаб чиқилган, маълум бир мақсадга эришиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи



## Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигини гарови. – Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. –Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
5. Каримов И.А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
6. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашарди.–Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2005. 64–б.
7. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожланириш йўлида. - Т .Ўзбекистон, 2008. 16-жилд. 3, 47– б.
8. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 6-б.
9. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон. 2011. – 440 б.
10. Каримов И.А Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2011. 19-жилд. 39– б.
11. Ҳақиқат – журналистиканинг доимий, ўзгармас қондаси ва унга амал қилиш шарт. 2005 йил 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. // Халқ сўзи. 2005 йил 18 май.

12. Шаропова С. Миллий манфаатлар кўзгуси. «Тафаккур» журнали. 2002 йил, 2-сон. 26-б.
13. Қувватов О. Глобаллашув оқибатлари. «XXI аср» газетаси. 2008, 22 март.
14. Шумилин А. Исламский передел. Газета «Комсомольская правда». 14 января 1992.
15. Асоссиз шов-шувлардан ким манфаатдор? «Ўзбекистон овози» газетаси. 2000 йил, 30 ноябрь.
16. Истиклол кўрғонининг меъмори. «Накшбандия» журнали. 2012. 1 (8). – 2-б.
17. Жўраев Н. Юксалиш. Т.: Ўзбекистон. – 1995. – 11-12 -бетлар.
18. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Т.: Ўзбекистон, 2001. – 368-б; –19- б.
19. Данаева З. Имидж страны. Страновой брендинг. // – электронное издание//www.zakon.kz
20. Токаев К. Свет и тень.– Астана, 2007. - С.183
21. Uzbekistan at the doorstep of the third millennium.– Budapest, 1998. – P. 348.
22. 18 лет Государственной Независимости Республики Узбекистан. – М.: Параллель, 2009. – С. 64.
23. Жўраев Н. Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Т.: Шарқ, 2004. 189– б.
24. Дўстмухаммад Х.Н. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005. 5 –б.
25. Десять лет независимости и реформ. «Независимая газета». [www.ng.ru/ideas/2001-09-11/11\\_ten\\_years.html](http://www.ng.ru/ideas/2001-09-11/11_ten_years.html)
26. Мустақиллик ва ислохотнинг ўн йили. «Халқ сўзи» газетаси. 2001 йил, 13 сентябрь
27. Узбекистан - один из ведущих партнеров Испании в Центральной Азии. // The Diplomat in Spain. 2 октября 2015. [http://jahonnews.uz/ru/aktualno/127/10727/?sphrase\\_id=1755](http://jahonnews.uz/ru/aktualno/127/10727/?sphrase_id=1755)
28. За короткий по историческим меркам период Узбекистан достиг больших успехов. // Iran news. [http://jahonnews.uz/ru/aktualno/127/1674/?sphrase\\_id=1755](http://jahonnews.uz/ru/aktualno/127/1674/?sphrase_id=1755)
29. Мюллер С. Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти. Ўзбекистон

- Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига.  
uza.uz. [http://uza.uz/oz/politics/ekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimov-zhanobi-oliy-18-01-2016?sphrase\\_id=1246950](http://uza.uz/oz/politics/ekiston-respublikasi-prezidenti-islom-karimov-zhanobi-oliy-18-01-2016?sphrase_id=1246950)
30. Садовничий В., Москва Давлат университети ректори, Россия Фанлар академияси академиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига / Халқ сўзи, 2001 йил 28 август.
31. Сабиоров А.Т. “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи”, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ. Фан доктори илмий даражасига талабгорлар учун ўқув кўлланма. – Т.: 2013. 6,8 – бетлар.
32. “The Korea Post” sahifalarida O‘zbekiston mavzusi. // “Jahon”AA, Seul.[http://jahonnews.uz/uz/ekonomika/285/6140/?sphrase\\_id=1759](http://jahonnews.uz/uz/ekonomika/285/6140/?sphrase_id=1759)
33. РИА Новости // <http://ria.ru/spravka/20130130/920126506.html#ixzz2JTt72FdV>
34. Бокш А. ЖИМТ Бош директори. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига / Ўзбекистон овози, 1996 йил 7 май.
35. Президент жасорати учун тақдирланди.// Ўзбекистон овози. 2001й. 20 октябрь.
36. Высокая оценка инициатив Узбекистана. <http://plogin.viperson.ru/articles/vysokaya-otsenka-initsiativ-uzbekistana>. 5 апреля 2008.
37. Гончаров П., Афганистан: назад в 1997 год? <http://ria.ru/analytics/20080507/106812925.html>
38. Каково это - работать иностранным журналистом в Казахстане? [http://www.esquire.kz/3400-kakovo\\_ieto\\_rabotat\\_inostrannim\\_jurnalistom\\_v\\_kazhastane](http://www.esquire.kz/3400-kakovo_ieto_rabotat_inostrannim_jurnalistom_v_kazhastane)
39. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг баёноти. // Ўзбекистон овози. 2001 йил, 6 октябрь.
40. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

41. Ўзбекистон: инсонпарварликнинг юксак намунаси. – Т.: Турон Иқбол, 2010. Отчёт Международной комиссии по исследованию событий на Юге Кыргызстана в июне 2010-года.
42. “Ўзбекистонни камситишга йўл бермаслик – асосий вазифамиз”/ Жаҳон адабиёти. 2015 йил, 4-сон. 4-б.
43. Шумпетер Й. Капитализм, социализм и демократия. – М.: 1995. – С.357
44. Блондель Ж. Политическое лидерство. – М.: Прогресс, 1992. – С.70
45. Яковлев А. Сўз боши ўрнида. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида.– Т.: “Ўзбекистон”, 2001. 7-б.
46. Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар. Сиёсий эссе.– Т.: “Ёзувчи”, 1988. 272-б.
47. Elektron manba: Islom Karimov O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti etib saylangani munosabati bilan qutlovlar. 03.04.2015. <http://www.press-service.uz/uz/news/5098/>
48. Президенты Узбекистана и Кыргызстана повздорили на саммите в Москве. 15 мая 2015 г. [inozpress.kg](http://inozpress.kg)
49. Ветеран-президент Узбекистана отчитал в Кремле лидера Киргизии. 8 мая 2015 г. [reuters.com](http://reuters.com).
50. При империи нас считали людьми второго сорта. // Независимая газета, 15 января 2005г.
51. Душанбе ждет помощи. ООН и Узбекистан первыми пришли на выручку Таджикистану Виктория Панфилова. 28 мая 2009. “Независимая газета”.Узбекистан останется союзником России еще четыре года. Виктория Панфилова. 15 апреля 2013г. “Независимая газета”.
52. Панфилова Виктория, обозреватель "Независимой газеты", специально для интернет-журнала "Новое Восточное Обозрение".14.09.2014 <http://ru.journal-neo.org/2014/09/14/rus-uzbekistan-i-ego-budushhee/>
53. Омон Б. Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати (Президент Ислам Каримов фаолияти мисолида).– Т.: Ўзбекистон, 2000. 13-б.
54. “Saylov – 2015”, “O‘zbekiston” телеканаллари, 2015 йил 27 март, кечки дастур - 20.00.

55. Назарбаев Н.А. Когда мысль – материальна / Вступит.слово В.А. Садовниченко, С.Саксены. – М.: Худож. лит., 2012. – 312 с.: ил. Стр. – 4.
56. Loones V. 5 Character Traits That Made Nelson Mandela an Effective Leader. // <http://corneralliance.com/5-character-traits-that-made-nelson-mandela-an-effective-leader/>
57. Воспоминания Вячеслава Авакова. <http://fondkarimov.uz/news/vospominaniya-vyacheslava-avakova>
58. Европа сегодня. 10 фактов о характере королевы Англии. // <http://europe-today.ru/2012/05/10-faktov-o-xaraktere-korolevy-anglii/>
59. Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990. – С. 130.
60. Лео Бокерия о смерти Каримова. [podrobno.uz/cat/obchestvo/leo-bokeriya-o-smerti-karimova-kogda-ya-priletel-v-tashkent-uzhe-nichego-nelzya-bylo-sdelat/](http://podrobno.uz/cat/obchestvo/leo-bokeriya-o-smerti-karimova-kogda-ya-priletel-v-tashkent-uzhe-nichego-nelzya-bylo-sdelat/)
61. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. [uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-bosh-vaziri-shavkat-miromonovich-mirz-08-09-2016](http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-bosh-vaziri-shavkat-miromonovich-mirz-08-09-2016)

## РАСМИЙ ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР

1. [fondkarimov.uz](http://fondkarimov.uz)
2. [islamkarimov.uz](http://islamkarimov.uz)
3. [press-service.uz](http://press-service.uz)
4. [mfa.uz](http://mfa.uz)
5. [jahonnews.uz](http://jahonnews.uz)
6. [uza.uz](http://uza.uz)

## Норматив ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2929-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» 2017 йил 25 январдаги ПҚ-2744-сон қарори) ги 417-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-330-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори.

**Илова**

**Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти  
И.А. Каримовнинг  
хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларига  
берган интервьюлари**

<b>№</b>	<b>ОАВ номи ва сана</b>	<b>Интервьюлар (нутқлар, баёнотлар учрашувлар, суҳбатлар)</b>	<b>Манба</b>
1	“Известия” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. 1991 йил 29 январь.	Ҳаммасига ўзимиз эришмоғимиз зарур	Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида / И.А. Каримов. —Т.: “Ўзбекистон”, 2011. — 440 б. 173-180 бетлар.
2	“Правительственн ый вестник” ҳафтаномаси мухбири саволларига жавоблар. 1991 йил январь. “Халқ сўзи” газетаси, 1991 йил 2 февраль.	Иқтисодий омиллар амал қилса, “темир қўлга” ҳожат қолмайди.	Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида / И.А. Каримов. —Т.: “Ўзбекистон”, 2011. — 440 б. 181-184 бетлар.
3	“Ди Цайт” немис ҳафтаномаси саволларига жавоблар. “Халқ сўзи” газетаси, 1991 йил 12 март.	Ўзбекистон фақат иқтисодиётда эмас, бошқа соҳаларда ҳам дадил қадамлар қўймоқда	Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида / И.А. Каримов. —Т.: “Ўзбекистон”, 2011. — 440 б. 198-208 бетлар.

4	“Комсомольская правда” газетаси мухбири саволларига жавоблар. 1991 йил 7 март.	Бизни капитализмдан сакраб ўтишга ўргатишган	Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида / И.А. Каримов. —Т.: “Ўзбекистон”, 2011. — 440 б. 242-244 бетлар. 195-199 бетлар.
5	“Рабочая трибуна” газетаси мухбири саволларига жавоблар. “Халқ сўзи” газетаси, 1991 йил 4 июль.	Демократия - қонунга ва шахсга ҳурмат демақдир.	Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида / И.А. Каримов. —Т.: “Ўзбекистон”, 2011. — 440 б. 233-241 бетлар.
6	“Таймс оф Индия” газетаси мухбири саволларига жавоблар. “Халқ сўзи” газетаси, 1991 йил 16 август.	Ҳиндистонга меҳр билан	Каримов, Ислom Абдуғаниевич. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида / И.А. Каримов. —Т.: “Ўзбекистон”, 2011. — 440 б. 242-244 бетлар.
7	“Комсомольская правда” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. 1993 йил 12 февраль.	Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг.	Ислom Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура 1-жилд. ISBN 5-640-02098-9 Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996. 358 б.
8	“Труд” газетаси саволларига жавоблар.	“Ҳар қандай муҳолиф билан баҳслашмоққа	Ислom Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод,



	1993 йил 26 май.	Тайёрман...”.	сиёсат, мафкура 1-жилд. ISBN 5-640-02098-9 Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996. 358 б.
9	“Российская газета” мухбирининг саволларига жавоблар. 1995 йил 7 июль.	Ислохотимиз тамойиллари.	Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. 3-жилд. ISBN 5-640-02097-0, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996, 369 б.
10	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. 1996 йил 23 март	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги мухбири билан суҳбати.	Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. ISBN 5-640-02095-4 Тошкент, “Ўзбекистон”. 1996, 357 б.
11	Президент Ислом Каримовнинг Тошкентдаги дипломатик корпус вакиллари, республика ҳамда хориж	Келажагини ўз қўли билан қураётган Ўзбекистонга халақит берманг.	Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. ISBN 5-640-02095-4 Тошкент, “Ўзбекистон”. 1996, 357 б.

	журналистлари билан учрашуви. 1996 йил 12 апрель.		
12	Вашингтон. 1996 йил 26 июнь.	Миллий матбуот клубида ўтказилган матбуот конференцияси да сўзланган кириш нутқи	Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби, 5-жилд. ISBN 5-640-02234-5 Тошкент. “Ўзбекистон”. 1997. 426 бет. 36-40 бетлар.
13	Тошкент. 1996 йил 5 июль	Тошкентдаги чет эл дипломатлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган брифингда сўзланган нутқ	Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби, 5-жилд. ISBN 5-640-02234-5 Тошкент. “Ўзбекистон”. 1997. 426 бет. 69-81 бетлар.
14	Президент Ислом Каримовнинг дипломатия корпуси ва Тошкентда фаолият юритаётган журналистлар билан ўтказган учрашуви. 1996 йил 5 июль.	Танлаган йўлимиз тўғрилигини ҳаёт тасдиқламоқда	Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби, 5-жилд. ISBN 5-640-02234-5 Тошкент. “Ўзбекистон”. 1997. 426 бет. 82-90 бетлар.
15	Ўзбекистон Республикаси	Биз ўз куч ва имкониятларим	Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва

	Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоблари. 1996 йил октябрь.	изга ишонамиз	ишлаш - давр талаби, 5-жилд. ISBN 5-640-02234-5 Тошкент. “Ўзбекистон”. 1997. 426 бет. 175-184 бетлар.
16	Дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ. 1996 йил 27 декабрь.	Демократик ўзгаришлар – жамиятимиз янги ланиши асоси	Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби, 5-жилд. ISBN 5-640-02234-5 Тошкент. “Ўзбекистон”. 1997. 426 бет. 327-346 бетлар.
17	Тошкент - Москва. “Новое время” журналининг 1996 йил 45-сони.	Ислом Каримов катта теннис ва Россия телевидениесин и яхши кўради	Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби, 5-жилд. ISBN 5-640-02234-5 Тошкент. “Ўзбекистон”. 1997. 426 бет. 257-268 бетлар.
18	Президент Ислом Каримовнинг республика ОАВ вакиллариغا	Оммавий ахборот воситалари вакиллариغا берилган	Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби, 5-жилд. ISBN 5-640-02234-5

	<p>берган интервьюси.  “Тошкент-2” аэропорти.  1997 йил 14 январь.</p>	<p>интервью</p>	<p>Тошкент.  “Ўзбекистон”. 1997.  426 бет. 347-351 бетлар.</p>
19	<p>Прага.  Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Чехия Республикасига расмий ташрифи давомида “Озодлик” радиоси ўзбек шўъбасининг ходимлари билан учрашди.  1997 йил 15 январь.</p>	<p>“Озодлик” радиосининг ўзбек шўъбаси ходимлари билан суҳбат</p>	<p>Ислом Каримов.  Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби, 5-жилд.  ISBN 5-640-02234-5 Тошкент.  “Ўзбекистон”. 1997.  426 бет. 352-364 бетлар.</p>
20	<p>Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.  1997 йил 20 май.</p>	<p>Юксак ҳуқуқий тафаккур - демократик жамият тақозоси</p>	<p>Ислом Каримов.  Хавфсизлик ва барқарорлик йўлида. 6-жилд. ISBN 5-640-02324-4 Тошкент  “Ўзбекистон” 1998.  409 б. 23-27 бетлар.</p>

21	Давлатимиз раҳбари “Известия” газетаси мухбирларига интервью берди. 1997 йил 11 ноябрь.	Ўзбекистон сузиб юрадиган музтоғ эмас	Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарорлик йўлида. 6-жилд. ISBN 5-640-02324-4 Тошкент “Ўзбекистон” 1998. 409 б. 357-366 бетлар.
22	“Тафаккур” журналининг 1998 йил 2-сони	Жамиятимиз мафқураси Халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин	Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. ISBN 5-640-02331-7 Тошкент “Ўзбекистон” 1999. 393 б. 80-96 бетлар.
23	Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат. “Мулоқот” журналининг 1998 йил 5-сони.	Тарихий хотирасиз келажак йўқ	Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. ISBN 5-640-02331-7 Тошкент “Ўзбекистон” 1999. 393 б. 126-145 бетлар.
24	Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Абдусайд Кўчимов бир неча савол билан мурожаат қилди. 1998 йил ноябрь.	Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин	Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. ISBN 5-640-02331-7 Тошкент “Ўзбекистон” 1999. 393 б. 223-233 бетлар.
25	Ўзбекистон Миллий ахборот	Хушёрликка даъват	Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин

	агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. 1999 йил июнь.		ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. ISBN 5-640-02822-X Тошкент “Ўзбекистон” 2000. 495б. 16-29 бетлар.
26	“Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. 1999 йил.	Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз	Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. ISBN 5-640-02331-7 Тошкент “Ўзбекистон” 1999. 393 б. 278-296 бетлар.
27	Президент Ислом Каримовнинг республика ОАВ вакилларига берган интервьюси. “Тошкент-2” аэропорти. 1999 йил 19 февраль.	Озод бўлсанг - озод бўл, эркин бўлсанг - эркин бўл, мустақил бўлсанг - мустақил бўл!	Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. ISBN 5-640-02331-7 Тошкент “Ўзбекистон”. 1999. 393 б. 321-328 бетлар.
28	“Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. 1999 йил.	Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда	Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. ISBN 5-640-02331-7 Тошкент “Ўзбекистон” 1999. 393 б. 332-337 бетлар.
29	Тошкент.	Олий Мажлис V	Ислом Каримов.

	2001 йил 11-12 май	сессияси фойеида журналистлар билан бўлган суҳбатдан	Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. ISBN 5-640-02822-X. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2001. 275 б. 208-222 бетлар.
30	Россия Фанлар академияси президиуми ҳузуридаги сиёсатшунослик бўйича илмий кенгаш раиси Фёдор Бурлацкий билан суҳбат. “Независимая газета” (Москва). 2001 йил 11 сентябрь.	Мустақиллик ва ислохотларнинг ўн йили. Ислон Каримов – мустақил Ўзбекистон давлатчилиги тикланаётган даврнинг буюк йўлбошчиси.	“Халқ сўзи” газетаси. 2001 йил 13 сентябрь.
31	Тошкент. 2001 йил 5 октябрь	ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг баёноти	Ислон Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. ISBN 5-640-02822-X. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2002. 404 б. 106-114 бетлар.
32	Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг муҳбири билан суҳбатлашди. 2001 йил 10 октябрь.	Тинчлик учун курашмоқ керак	Ислон Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. ISBN 5-640-02822-X. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2002. 404 б. 115-119 бетлар.

33	Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил 27 январь- умумхалқ референдуми муносабати билан оммавий ахборот воситлари ходимларига берган интервьюси.	Демократик тараққиёт йўлидан	Ислом Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. ISBN 5-640-02822-Х. Тошкент. Ўзбекистон”. 2002. 404 б. 176-186 бетлар.
34	Президент Ислом Каримовнинг республика ОАВ вакилларига берган интервьюси. “Тошкент-2” аэропорти. 2002 йил 11 март.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи арафасида Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюси	Ислом Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. ISBN 5-640-02822-Х. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2002. 404 б. 235-238 бетлар.
35	Вашингтон. 2002 йил 13 март.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШнинг нуфузли газета ва журналлари муҳаррирлари ҳамда	Ислом Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. ISBN 5-640-02822-Х. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2002. 404 б. 247-258 бетлар.



		журналистлар билан мулоқоти	
36	Президент Ислом Каримовнинг республика ОАВ вакилларига берган интервьюси. 2002 йил 14 март.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига расмий таширифи ниҳоясида журналистларга берган интервьюси	Ислом Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. ISBN 5-640-02822-X. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2002. 404 б. 268-280 бетлар.
37	Президент И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг 8-сессияси танаффус пайтида маҳаллий ва хорижий мухбирларнинг саволларига берган жавоблари. 2002 йил 4 апрель.	Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган жамият курамыз	Ислом Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. ISBN 5-640-02822-X. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2002. 404 б. 313-328 бетлар.
38	Президент Ислом Каримов Ўзбекистон телевидениеси учун махсус интервью берди. 2004 йил 29 март.	Ёвуз кучлар халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди	Ислом Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамызга боғлиқ. 12-жилд. ISBN 5-640-03220-0.

			Тошкент. «Ўзбекистон». 2004. 253 б. 50-153 бетлар.
39	Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон телевидениеси орқали ўз фикр- мулоҳазаларини баён қилди. Оқсарой қароргоҳи. 2004 йил 31 июль.	Хушёр ва огоҳ бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айлансин	Ислом Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. ISBN 5-640-03220-0. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2004. 253 б. 242-248 бетлар.
40	“Независимая газета” (Москва) мухбирининг саволларига жавоблар. 2005 йил 14 январь.	“Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди”	Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. “Ўзбекистон”. Тошкент. 2005. 446 б. 133–155 бетлар.
41	Давлатимиз раҳбари маҳаллий ва хорижий ОАВ учун ўтказилган матбуот анжуманида баёнот ва мухбирларнинг саволларига жавоб берди. Тошкент, Оқсарой қароргоҳи. 2005 йил 14 май.	Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтаролмайди	Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. “Ўзбекистон”. Тошкент. 2005. 446 б. 306–368 бетлар.

42	<p>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. 2005 йил 17 май.</p>	<p>Ҳақиқат – журналистиканинг доимий, ўзгармас қоидаси ва унга амал қилиш шарт</p>	<p>Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. “Ўзбекистон”. Тошкент. 2005. 446 б. 369–399 бетлар.</p>
43	<p>Президент Ислом Каримовнинг республика ОАВ вакилларига берган интервьюси. “Тошкент-2” аэропорти. 2005 йил 25 май.</p>	<p>Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди</p>	<p>Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. “Ўзбекистон”. Тошкент. 2005. 446 б. 400–419 бетлар.</p>
44	<p>Президент Ислом Каримовнинг “Жэньминь Жибао” (Хитой) газетаси мухбирига берган интервьюси. 2005 йил 25 май.</p>	<p>Ўзбекистон Хитойнинг ишончли дўсти ва ҳамкори бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади</p>	<p>Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. “Ўзбекистон”. Тошкент. 2005. 446 б. – бетлар. 420-438 бетлар.</p>
45	<p>Президент Ислом Каримовнинг республика ОАВ</p>	<p>Хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, халқларимиз</p>	<p>Ислом Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. 14-</p>

	вакилларига берган интервьюси. “Тошкент-2” аэропорти. 2006 йил 14 июнь.	фаровонлигини ошириш – энг мухим ва устувор масала	жилд. ISBN 5-640-02961-7. Тошкент. «Ўзбекистон», 2006. 277 б. 248-254 бетлар.
46	Президент Ислом Каримовнинг ХХР марказий ОАВ вакилларига берган интервьюси. Хитой. 2006 йил 15 июнь.	ШХТ ҳамкорликнинг улкан салоҳиятини намойиш этмоқда	Ислом Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. 14-жилд. ISBN 5-640-02961-7. Тошкент. «Ўзбекистон», 2006. 277 б. 232-247 бетлар.
47	Президент Ислом Каримовнинг “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. 2007 йил 23 февраль.	Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи	Ислом Каримов. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. ISBN 978-9943-01-150-2. Тошкент. «Ўзбекистон» 2007. 319 б. 211-223 бетлар.

## МУНДАРИЖА

Истиқлолга бошлаган дарға. Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов сиймосига чизгилар .....	3
Глоссарий .....	63
Фойдаланилган адабиётлар .....	65
Расмий электрон манбалар .....	69
Норматив хужжатлар .....	70
Илова: Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларига берган интервьюлари .....	71





Илмий рисола  
БЕРУНИЙ АЛИМОВ

## ИСТИҚЛОЛГА БОШЛАГАН ДАРҒА

Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти  
Ислом Каримов сиймосига чизгилар

Мухаррир

Ё.Қ.Иноғомов

Саҳифаловчи

А.Абдусаломов

Нашриёт лицензияси АIN№296.2017 й.  
Босишга 29.11.2017 йил рухсат этилди.  
Times New Roman ҳарфида терилди.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Шартли б.т. 5,5. Нашр.б.т. 3,2  
Адади 100 нусха. 59-сонли буюртма.  
Оригинал-макет Extremum-press МЧЖ нашриётида  
тайёрланди ва босмаҳонасида чоп этилди.  
100053, Тошкент шаҳар, Боғишамол кўчаси, 3-уй.  
Тел: 234-44-05.  
E-mail: Extremum-press@mail.ru